БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 23 (11.469). | 28 январь, пайшанба, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистонда 5 кун бўлади

Илгари хабар қилинганидек, Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Индонезияга боратуриб, йўл-йўлакай қисқа муддатли визит билан Ҳиндистонда бўлади. Н. С. Хрушчев Деҳлига 11 февралда етиб боради деб тахмин қилинади. У Деҳлида 2 кун бўлади. Суратгархдаги давлат қишлоқ хўжалик фермасини ва Бхилаидаги металлургия комбинатини бориб кўради, сўнгра 16 февралда Калькутта орқали Бирмага жўнайди.

МАЗАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ СЕРОБ БЎЛАДИ

Картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш ва шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш чоралари тўғрисида

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш ва шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтиладики, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги юксалганлиги ва озиқ-овқат саноати ривожланганлиги натижасида мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини — қанд-шакар, кондитер маҳсулотлари, гўшт, мойлар, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш анча кўпайди. Кўп шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида картошка ва сабзавот етиштирадиган ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилганлиги, колхозларда шу экинлар ҳосилини етиштириш кўпайтирилганлиги аҳолини картошка ва сабзавотлар билан таъминлашни яхшилашга имкон берди. Совхозлар ва колхозларда боғдорчилик ва узумчилик тез ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар, қишлоқ меҳнаткашларининг етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ҳаж олиб кетган социалистик мусобақаси яқин йиллар ичида аҳолини хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилаш имкониятини туғдирмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашларининг озиқ-овқат маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабларини тўлиқ қондириш тўғрисида КПСС XXI съезди қўйган вазифани амалга оширмоқ учун картошка ва маккажўхоридан тайёрланадиган лаззатли ва тўйимли озиқ-овқатлар ишлаб чиқаришни, шунингдек сабзавот, мева ва узум етиштиришни кескин равишда кўпайтириш, уларнинг хилини кенгайтириш, сифатини яхшилаш зарур.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, Халқ хўжалиги кенгашларига ва Центросоюзга картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини, сифатини ва безатилишини яхшилаш, ишлаб турган корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларидан ва хомашёдан рационал фойдаланиш, шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ва цехлар ташкил этиш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш тадбирлари, шунингдек шу моллар билан савдо қилишни кенгайтириш ва яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш вазифасини топширдилар. Яқин йиллар ичида аҳолининг картошка ва сабзавотга бўлган талаблари тўлиқ қондирилсин, шунингдек аҳолини ҳўл мева, резавор мева, узум ва маккажўхори билан ҳамда уларнинг янги музлатилган хилларини билан таъминлаш анча яхшиланисин; томатлар ва бошқа сабзавотлардан, узум, мева ва резавор мевалардан шарбатлар ишлаб чиқаришни, шунингдек болалар учун овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш чоралари кўрилсин.

Қабул қилинган қарорда янги озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва шундай маҳсулотлар чиқаришни 1965 йилда: бийрон қилиб қовурилган картошка чиқаришни 25 минг тоннага, саго ва картошка ёрмаси чиқаришни 80 минг тоннага етказиш мўлжалланди; майдаланган маккажўхори ва бодроқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, 1965 йилда 55 минг тоннага етказилсин, крахмал ишлаб чиқариш 317 минг тоннага, крахмал паткаси ишлаб чиқаришни 553 минг тоннага, глюкоза ишлаб чиқаришни 34 минг тоннага, янги музлатилган мевалар, резавор мевалар, сабзавот ва маккажўхори тайёрлаш ва сотишни 112 минг тоннага, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 5;9 миллиард банкага, шу жумладан, томат, узум шарбатлари ва бошқа табиий шарбатлар ишлаб чиқаришни 1.246 миллион банкага, қуруқ мева ишлаб чиқаришни 124 минг тоннага етказилсин.

Республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, Халқ хўжалиги кенгашларига ва Центросоюзга маҳсулотнинг сифатини ва озуқавий қийматини оширишга имкон берадиган, ишлаб чиқаришнинг янги технология методларини жорий қилишни, маккажўхори, картошка, сабзавот ва мевалардан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг хилларини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси топширилди. Бунда қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

Саноатнинг ва умумий овқатланишнинг ишлаб турган корхоналарида овқат тарқасида бевосита истеъмол қилмоқ учун тортиб ва ўраб қўйиб сотиладиган, бийрон қилиб қовурилган картошка ишлаб чиқаришни, тез пюре тайёрламоқ учун қовурилган картошка-гарнир, картошка ёрмаси ҳамда картошкадан бошқа маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак, булар уй шароитида ва умумий овқатланиш корхоналарида овқатни тез тайёрлашга имкон беради;

маккажўхоридан тайёрланадиган овқат маҳсулотларининг хиллари анча кенгайтирилсин, уй шароитида, мактаб ва завод буфетларида ҳамда умумий овқатланишнинг бошқа корхоналарида енгил овқатлар ва пишириладиган овқатлар тайёрлаш учун ишлатиладиган шакар сепилган ва тузланган бодроқ, маккажўхори уграси, шунингдек бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Ун ва крупа саноати корхоналарида маккажўхоридан тез пишадиган силлиқ ёрма, манная крупа, зоғора ун, билинбоп ун, болалар овқати учун ишлатиладиган ун ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ун ишлаб чиқариш ташкил этилсин;

крахмал-патка корхоналарида ошхоналар учун патка сироплари, табиий мева экстрактлари ва сутдан ясалган қурук киселлар, тез қуймоқ пишириш учун ишлатиладиган ун, овқат учун ишлатиладиган кристал глюкоза ва картошка крахмалини майда идишларга солиб қадоқлаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин;

1960—1961 йиллардан бошлаб тегирмонларда крупа ишлаб чиқарадиган ва бошқа корхоналарда маккажўхори донини қайта ишлашда унинг мағзини ажратиб олиб, шу мағзилан ихтисослаштирилган корхоналарда яхши овқатлик сифатига эга бўлган маккажўхори мойи ишлаб чиқариладиган бўлсин;

Тез музлатилган мевалар, резавор мевалар ва сабзавотлар, дон ва сўта ҳолида (думбуллигида олинган) ширин маккажўхори, шунингдек сабзавот аралашмаларини тайёрлаб чиқариш кескин равишда кўпайтирилсин; томатлар, мевалар ва резавор мевалардан пастерлаштирилган, тиндирилган ва ичидаги гўшти билан бирга табиий шарбатлар ишлаб чиқариш, тиндирилган узум шарбати, шу жумладан, узумнинг энг яхши навлари (мускат, рислинг, алиготе, фетяска ва бошқа нав узумлардан) узум шарбати ишлаб чиқариш, шунингдек узум ва мевларнинг концентрат шарбатларини музлатилган ҳолда ишлаб чиқариш кўпайтирилсин;

сабзавот ва мевалардан пюре ҳолида қириб олинган, қуруқ, концентрат аралашмалар ҳолидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва турли ёшдаги болаларнинг овқатланиши учун витаминлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин;

аҳоли энг кўп талаб қилаётган мева-сабзавот консервалари — ичига қийма солинган сабзавотлар (ичига сабзавот қиймаси солинган гармдори, бақлажон ва томатлар), пастерлаштирилган бодринглар, консервалаштирилган томатлар, шу жумладан, пўсти артилган томатлар, патиссонлар, майда қовоқлар, маринадланган чучук гармдорилар, сабзавот мариналлари — ассорти, кўк нўхат консервалари, кўк ловия, ширин маккажўхори, шунингдек гўштли ва гўштсиз сабзавотдан тайёрланган биринчи ва иккинчи овқатлар (блюдалар); мева ва резавор мева компотлари, мева ва резавор мева мурабболари, мева ва резавор меванинг тиндирилган шарбатидан ясалган желе ва мармелад, қимёда қотирилган мевалар ва цукатлар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин;

давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг корхоналарида мева-сабзавотдан ясалган жуда кўп хилма-хил маҳсулотлар — олма, клюква, тмин, лавлаги солиб тузланган карам, провансал карам, бутунлигича тузланган қарам, тузланган ва маринадланган бодринг ва помидорлар, тузланган олма ва тарвузлар, сабзавот солянкалари, винегретлар, янги қўзиқорин, тузланган ва қуритилган қўзиқорин, шунингдек овқат тайёрламоқ учун ишлатиладиган татимли дориворлар тайёрлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ва Центросоюзга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида шу қарорда белгиланган топшириқларни бажармоқ учун зарур ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтиришни таъминлаш, шунингдек сабзавот, картошка, маккажўхори, мева, узум ва қовунларни янгилигича ва музлатилган ҳолда узоқ муддат асрашни таъминлайдиган тегишли шароит яратиб бериш вазифаси топширилди.

1960—1965 йилларда қуйидаги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан топшириқлар белгиланди:

Кунига 10.200 тонна картошкани ва кунига 2.620 тонна картошкани қайта ишлашни таъминлайдиган қувватлар ишга туширилсин;

йилига 2.682 миллион банка сабзавот ва мева консервалари ишлаб чиқара оладиган қувватлар ишга туширилсин. Бундан ташқари, матлубот кооперацияси системасида ҳаммаси бўлиб йилига 985 миллион банка консерва ишлаб чиқарадиган 197 та консерва заводлари қурилади;

вино саноатида йилига 3.955 минг декалитр мева шарбати ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилсин;

кунига 1.075 тонна сабзавот ва мевани тез музлатиб берадиган корхоналар ва цехлар ҳамда шу корхона ва цехларда бир йўла 54,3 минг тонна маҳсулот сиғдирадиган холодильниклар ишга туширилсин;

сабзавотлар, мевалар ва узумни юклаб жўнатадиган жойларда ҳаммаси бўлиб бир йўла 2.400 тонна маҳсулотни совутиб сақлайдиган пунктлар ишга туширилсин;

ҳаммаси бўлиб 450 минг тонна мева сиғдирадиган омборлар ва умумий саҳни 800 минг квадратметр бўлган озиқ-овқат складлари қуриб ишга туширилсин.

Қарорда колхозларга ёввойи мева ва резавор мевалардан (олма, нок, ўрик, маймунжон, черника, қизил ва бошқа мевалардан) крахмал, сабзавот ва мева консервалари, қуруқ мевалар, турли усулда тузланган ва маринадланган сабзавотлар, қўзиқоринлар, мевалар, тарвузлар, шунингдек узум винолари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан авж олдириш, шу маҳсулотларни қайта ишлайдиган колхоз ва колхозлараро пунктлар ва узум, мева ҳамда сабзавот сақланадиган музхоналари ва омборлари, мевларни юклаш-бўшатиш ишлари ва товар ҳолида ишлаб чиқариш ишларини механизациялаш воситалари қўлланиладиган, мевларни хиллаш ва қадоқлаш учун винолари бўлган кичикроқ вино заводлари ва консерва заводлари қуриш тавсия қилинди.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига йиллик планларни тузиш вақтида колхоз корхоналари ва колхозлараро корхоналар учун технология ва музхона ускуналарига бўлган эҳтиёжни белгилаб чиқиб ва СССР Госплани билан келишиб олиб, шу ускуналарни Халқ хўжалиги кенгашлари ва маҳаллий саноатнинг машинасозлик заводларида ишлаб чиқаришни кўзда тутиш таклиф қилинди.

Консерва, озиқ концентратлари, мева қуритиш, крахмал-патка ва (узум шарбатлари ишлаб чиқармоқ учун) вино саноатининг ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва янгиларини қуришга, шунингдек саноатнинг мазкур тармоқлари учун ускуналар тайёрлаб берадиган машинасозлик заводларини ривожлантиришга 1960—1965 йилларда етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўзда тутилган капитал маблағлар ҳажмидан ташқари яна 1.836 миллион сўм ажратишга қарор қилинди.

Иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари ҳамда республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари ва Халқ хўжалиги кенгашлари картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни, айниқса мева ва сабзавот кўп етиштириладиган районларда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадаллик билан қуришни, ҳали қурилиб битмаган ва фойдаланилмасдан ётган бинолларни ва шу мақсад учун яроқли бошқа бинолларни қайта ускуналашни, шунингдек озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналари билан умумий техника базаси негизида биргаликда шундай корхоналар қуришни таъминлашлари лозим. Янги корхоналар, қоида тарқасида, бир-икки йил ичида қуриб битказилиши керак.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига консерва заводларидаги ва мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш ва уларнинг ишидаги мавсумликни тугатиш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш, сабзавотни қайта ишлаш даврини узайтиришни, заводларда IV ва I кварталларда ҳам давом эттирмоқ учун хомашё запасларини вужудга келтиришни таъминлаш, мавсум ўртасидаги даврда гўшт, балиқ, сутдан консервалар ишлаб чиқаришни, консерва қилинган овқатлар, музлатилган тайёр иккинчи гўштли ва балиқли овқатлар, кондитер маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси топширилди.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари картошкани қайта ишлаб берадиган корхоналар жойлашган зоналарда картошканинг серкрахмал навларини ҳамда бийрон қилиб қовурилган ва қовурма картошка ишлаб чиқаришнинг техника талабларига жавоб берадиган картошка навларини етиштиришни ташкил этишлари лозим.

РСФСР, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Молдавия ССР ва Қирғизистон ССР Министрлар Советларига совхозлар ва колхозларда дони тишсимон, қаттиқ ва гуручга ўхшаш бўлган маккажўхори навлари донини етиштиришни ташкил этиш ва бу хилдаги маккажўхори донларини давлатга ғалла тайёрлаш плани ҳисобига сотишни (топширишни) таъминлаш таклиф қилинди. Бу мақсад учун энг яхши хўжаликларни, биринчи навбатда, совхозларни ажратиш ва уларга тегишли навлардаги маккажўхори донини сотиш (топшириш) юзасидан топшириқлар бериш тавсия қилинади. Шу нарса белгилаб қўйилдики, совхозлар ва колхозлар давлатга маккажўхори дони сотиш (топшириш) планларини фақат маккажўхори дони билангина бажаришлари лозим. Колхозлар ва совхозларда дони гуручга ўхшаган маккажўхори дони етиштиришни рағбатлантирмоқ учун 1960 йил ҳосилидан бошлаб, шу навлардаги маккажўхори донини харид қилиш ва топшириш ягона нархи центнерига 120 сўм миқдорида белгиланди.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари колхозлар ва совхозларда сабзавот, мева, резавор мева ва узумни зарур миқдорда ва хилларда етиштириш ва тайёрлашни ташкил қилишлари, кўк нўхат, ловия, чучук гармдори, бақлажон, оқ илдизлар, спаржа ва бошқа сабзавотларни ҳўл ҳолида ва музлатилган ҳолда сотиш учун ва улардан аҳоли кўп талаб қилаётган консервалар ишлаб чиқармоқ учун шу маҳсулотларни етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Аҳолига сабзавотни ҳўл ҳолида сотиш даврини ва қайта ишловчи корхоналарнинг иш мавсумини узайтириш мақсадида колхозларда ва совхозларда эрта пишар ва кеч пишар навларидан бўлган сабзавотларни етиштириш тадбирлари, шунингдек земляника (қулупнай), малина, қора смородина, крижовник ва бошқа резавор мевалар етиштиришни анча кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Консерва заводлари ва сабзавотни қайта ишловчи корхоналарни белгиланган хилларда маҳсулот чиқариш планини бажаришлари учун сабзавотлар, мевалар ва резавор мевалар билан зарур миқдорда тўла равишда таъминлаш, сабзавот етиштириб бераётган колхозлар ва совхозларнинг ихтисосланиш даражасини ошириш ва хомашё зоналарининг радиусини қисқартиш мақсадида мазкур корхоналарнинг хомашё базалари қайта кўриб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, хомашё зоналарида сабзавот ва мевларни давлат саноати ва матлубот кооперациясининг қайта ишловчи корхоналари тайёрлашлари лозим, бу корхоналар маҳсулотни қайта ишлаш эҳтиёжлари учун харид қилиш билан бир қаторда хомашё зонасидаги колхозларда ва совхозларда бўлган эртаги сабзавотларни, шунингдек ортиқча сабзавотлар ва мевларни катта шаҳарларга ва саноат марказларига жўнатмоқ учун тайёрлашга ҳам мажбурдирлар.

Центросоюзга, республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига сабзавот, мева ва резавор мева ҳамда узум тайёрлашни, қайта ишлашни, асрашни ва ортиб-жўнатишни ташкил этишни яхшилаш, шу маҳсулотларнинг нобуд бўлишини кескин равишда камайтириш чораларини кўриш таклиф қилинди. Колхозлар ва қишлоқ аҳолисининг кучи билан ёввойи резавор мевларни, мевларни ва қўзиқоринларни йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш колхоз ишлаб чиқаришнинг тармоқларидан бирига айлантирилсин, бу эса, колхозларнинг даромадларини оширишга ва қимматли маҳсулотларни озиқ-овқат ресурсларига кўп миқдорда жалб қилишга имкон беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область ва шаҳар партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетларига картошка, маккажўхори, сабзавот, мевалар, резавор мевалар ва узум билан янгилигида, шунингдек қайта ишланган холида савдо қилишни кенгайтириш ва яхшилашни таъминлаш вазифасини топширдилар. Бунинг учун яқин йиллар ичида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак;

мева-сабзавот сотадиган магазинлар сони 1965 йилнинг охирига қадар 1958 йилдагига нисбатан камида икки баравр кўпайтирилсин;

ошхоналарда ва фабрика-ошхоналарда бийрон қилиб қовурилган картошкани тайёрлаш ташкил этилсин, картошка, савзи, карам котлетларини, салатлар, винегретлар ва сабзавотдан тайёрланган бошқа хил овқатларни, шунингдек маккажўхори қўшиб тайёрланган овқатларни сотиш кўпайтирилсин, мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртларининг ошхоналарида ва буфетларида бодроқ ва сутга қорилган бодроқ талқонидан нонушта учун кенг фойдаланилсин;

озиқ-овқат магазинларида ҳамда ихтисослаштирилган мева-сабзавот ва консерва магазинларида, кулинария магазинларида ва бўлимларида, шунингдек кўчаларда ва паркларда иссиқ маккажўхори кавоби ва бодрогини, бийрон қилиб қовурилган картошкани ҳамда картошкадан ясалган ярим фабрикатларни, маккажўхори, сабзавот, мева ва резавор мевалардан ясалган консерваларни ва бошқа хил овқатларни кенг ассортиментда сотиш авж олдирилсин. Москва, Ленинградда, республикаларнинг пойтахтларида, область ва ўлка марказларида ҳамда бошқа катта шаҳарларда мазкур молларни сотадиган ихтисослаштирилган магазинлар очилсин;

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИ ТАРҚАТУВЧИ БУТУНИТТИФОҚ ЖАМИЯТИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг III съездини ва шу съезд орқали жамият сафларида бирлашган илғор совет зиёлиларининг 900 минг кишилик отрядини табриклайди.

Жамиятнинг фаолияти халқ томонидан кенг равишда эътироф қилинди ҳамда мамлакат ғоявий ва маданий ҳаётининг муҳим, ажралмас қисми бўлиб қолди. Коммунистик партия омма орасига билимлар ёяётган Жамият аъзоларининг олижаноб ва беғараз меҳнатини юксак даражада қадрлайди.

Коммунистик жамият қуриш кенг равишда авж олдирилган, марксизм-ленинизм асосларини эгаллаб олиш, Коммунистик партия сиёсатини чуқур тушуниш ҳар бир совет кишиси учун ҳаётий зарурат бўлиб қолаётган даврда Жамиятнинг бутун фаолияти янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилиши лозим.

Совет халқининг коммунистик қурилишдаги, экономика ва маданиятни, фан ва техникани ривожлантиришдаги муваффақиятлари сиёсий ва илмий билимларни кенг омма орасига ёйиш учун жуда қулай шароит яратиб бермоқда. Жамият марксизм-ленинизмнинг назарий қоидаларини практика билан, халқ оммасининг тарихий ижодкорлиги билан чамбарчас боғлаган ҳолда чуқур очиб бериб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини ҳормай-толмай пропаганда қилиб, Совет давлатининг бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган юксак инсоний курашини ҳормай-толмай пропаганда қилиб, фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ва ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни кенг равишда ёйиб, бу билан коммунизм қуриш улуғ ишига кимматли ҳисса қўшмоқда.

Буржуазия идеологиясига қарши, одамлар онгидаги капитализм сарқитларига қарши кураш, коммунистик характер белгиларига, янги одатлар ва ахлоққа эга бўлган янги кишини вояга етказишда актив ёрдамлашиш Жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир.

Совет зиёлиларининг ўз фаолиятлари билан ишлайдиган ташкилот бўлиб тузилган бу Жамият лекция пропагандасининг ғоявий савиясини ошириш ва ўз сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида, ишда жамоатчилик негизини кучайтириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилиши лозим. Жамиятнинг фаолияти заводлар ва фабрикаларнинг, колхозлар ва совхозларнинг, илмий ва маданий муассасаларнинг ҳаёти билан, коммунистик қурилиш практикаси билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг III съездига ўз ишида муваффақиятлар тилайди ва Жамият коммунистик қурилиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек улуғ ишда, совет халқининг сиёсий ва маданий савиясини янада юксалтириш учун курашда бундан буён ҳам партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ИЛЬИЧ ПАРОВОЗИ

... Бу воқеа бундан қарийб 40 йил муқаддам, 1920 йилнинг баҳорида бўлган эди. Челябинск темир йўлчилари Москва-Сортировочная депосидаги ўз ўртоқларининг шонли ташаббусидан ўрнак олиб, бузуқ ЕС-350 маркали паровозни Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 50 йиллигига атаб ўзларининг бўш вақтларида ремонт қилиб бермоқчи бўлдилар. Бу ташаббусни слесарь С. В. Мураное бошлади. Челябинск депосидаги ҳамма ишчилар унинг таклифини қувватладилар.

Паровоз ремонти тугаб, деподан чиққанида, темир йўлчилар унга меҳр қўйиб «Коммунар» деб ном бердилар, унга Совет республикаси гербининг суратини солдилар ва паровозни азиз Ильичга совға этиб Москвага юборишга қарор қилдилар.

Златоуст темир йўлчилари бу хабарни эшитиб, Москва ва Петроград ишчиларига ғалла юборишга қарор қилдилар.

Москвада Челябинск темир йўлчиларининг делегациясини В. И. Ленин қабул қилди.

Собиқ слесарь, ҳозирги вақтда пенсионер Сергей Владимирович Муранов ўша вақтни эслаб, бундай деди:

— Владимир Ильич бизни хурсанд бўлиб кутиб олди ва меҳнаткашларга совға олиб келганлигимиз учун бизга қизғин ташаккур айтди. Ленин биздан Москвага неча кунда етиб келдингиз, деб сўради.

— Тўрт кун йўл юрдик,— деб жавоб бердик.

— Атиги тўрт кунми?— деб яна сўради Владимир Ильич. Унинг таажжубланганлигидан ва ғоят хурсандлиги овозидан сезилиб турар эди. У шу суҳбатда ҳозир бўлган Халқ Комиссарлари Советининг ишлар мудири Бонч-Бруевичга дарҳол бурилиб, бундай деди:

—Эшитаяпсизми, Владимир Дмитриевич? Уралдан Москвага маршрутни тўрт кунда олиб келиш мумкин экан! Ваҳоланки, Йўллар Халқ Комиссарлигидаги ўртоқларимиз, бунинг учун камида 10—11 кун керак бўлади, деб бизни ишонтирмоқчи бўладилар. Владимир Дмитриевич, ёзиб қўйинг: Ғалла ортилган маршрутлар ҳаракатини тезлаштириш масаласи коллегияда муҳокама қилинсин. Ғалла ортилган поездларнинг ҳаммаси мумкин қадар тезроқ қатнаши керак...

«Коммунар» паровоз идан Москва-Сортировочная станциясида узоқ вақт фойдаланилдар, сўнгра бу паровоз Ватан уруши вақтида яна Уралга келиб қолди, кейинги йилларда эса, Узоқ Шарқ шахталарига борадиган йўлларда ишлади. Ҳозир Челябинск темир йўлчиларининг илтимоси билан паровоз яна Уралга, бундан 40 йил муқаддам ўзи ремонт қилинган жойга қайтариб келтирилди. Бу тарихий паровоз В. И. Ленин туғилган кунинг 90 йиллигига атаб Челябинск депосига кираберадиган жойда улуг доҳининг номи билан боғланган қиймматбаҳо ёдгорлик тарқасида абадий ўрнатиб қўйилади.

М. ПОЗДНЯКОВ.

САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА МУЛ БЎЛАДИ

ТЕПЛИЦА КОМБИНАТИДА

Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сабзавот ва картошка етиштириш учун курашни қизитиб юборишдилар. Колхознинг теплица комбинатида пиёз, редиска, помидор, укроп ва бошқа экинлар кўчати парвариш қилинаётир. Янги кўк пиёз ва помидорни яқин вақт ичида шаҳар меҳнаткашларига сотиш кўзда тутилмоқда.

Колхозчилар шу кунларда парник хўжалигида ҳам ишни кучайтириб юборишдилар. 400 та парник чуқурлари тозаланди. 2320 тонна гўнг чиринди ташиб келтирилди. 3200 та парник рамидан 2000 таси ремонт қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорига жавобан колхоз аъзолари ерга яхоб бериш, маҳаллий ўғит тўплашни кучайтирдилар.

М. ЖЎРАЕВ.

Картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш ва шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш чоралари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

аҳоли учун энг қулай бўлган савдо формалари: ўзўзига хизмат кўрсатиш магазинлари; саралаб ва қадоқлаб қўйилган картошқани, ювилган ва тозаланган сабзавотларни аҳолига сотишни, мева-сабзавотларни очиқ ёйиб қўйиб сотишни, шу молларни харидорларнинг заҳазлари билан уйларига элтиб беришни кенг жроий қилиш таъминлансин;

мева, резавор мева, томат, савзи ва бошқа сабзавотларнинг сувларини совутилган ҳолда магазинларда, махсус киоскаларда ва автоматлар орқали сотиш кенгайтирилсин; ҳўл мева ва резавор меваларнинг харидорнинг олдида сувини сиқиб олиб, сотиш ташкил қилинсин;

Меҳмонхоналардаги, вокзаллардаги, мактаблардаги, техникумлар ва олий ўқув юртларидаги буфетларни ҳамда умумий овқатланишнинг бошқа корхоналарини таъминламоқ учун консерва маҳсулотини (мураббо, жем, повидло, қат-қат мармелад ва бошқа шу кабиларни) савдо министрлигининг катта шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги корхоналарида кичик-кичик бўлак қилиб қадоқлаб ва ўраб сотиш ташкил қилинсин;

эртапишар сабзавот, мева ва резавор меваларни ташиб келтириш учун ҳаво транспортидан кенг фойдаланилсин; махсус автохўжаликлар ташкил қилиниб, бу хўжаликларга картошка, сабзавот, маккажўхори, мева, консерва ва бошқа шу каби молларни савдо шохобчаларига ва умумий овқатланиш корхоналарига марказлаштирилган тартибда элтиб бериш вазифаси юклатилсин;

мева-сабзавот ва консерва маҳсулоти билан кенг ассортиментда бутун йил бўйи бир морамда савдо қилинишини таъминламоқ, ҳўл меваларни, цитрус меваларини ва бошқа озиқ-овқат молларини узоқ муддат асрашни таъминлайдиган зарур шароит вужудга келтирмоқ учун мева сақланадиган бинолар ва складлар қуришни жадаллатиш, шунингдек уларни зарур ускуналар билан жиҳозлаш чоралари кўрилсин;

мевалар, сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини асрамоқ учун табиий муздан кенг фойдаланилсин, гидромеханизация воситалари билан яхшиланиладиган установкалар қўлланиб, табиий музни кўплаб тайёрлаб қўйиш таъминлансин; озиқ-овқат маҳсулотларини асрамоқ учун музхоналар, муз складлари, муз майдончалари, муз уюмлари, муз билан совутиладиган холодильниклар ва муз ясайдиган кичик заводлар қурилсин;

маккажўхори, картошка, сабзавот, мева ва резавор мевалардан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини матбуот, кино, радио, телевидение орқали реклама қилиш анча яхшилансин, шу хилдаги овқат маҳсулотларининг лаззатли ва озуқавий сифатлари, шунингдек улардан фойдаланиш усуллари тўғрисида аҳолига кенг равишда маълумот бериб турилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш бўйича шу қарорда белгиланган топшириқлар, аввало, янги, иш унуми юксак ускуналарни ва тағин ҳам мукаммаллашган технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, поток линияларни ва автомат линияларни, меҳнат процессларини комплекс механизациялашни ва ишлаб турган ускуналарни модернизация қилишни кенг жорий этиш йўли билан амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Қарорда машинасозлик заводларига ва конструкторлик ташкилотларига 1960—1965 йилларда замонавий технология ускуналари ва асбобларини ишлаб чиқариб, давлат ва кооператив саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига етказиб бериш топшириқлари белгиланди, шунингдек ускуналар ва асбобларнинг янги турларини, техника ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларнинг нусхаларини тайёрлаш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш топшириқлари белгиланди.

Лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва машинасозлик заводлари олдига автомат ускуналарнинг ва, аввало, сунъий совутиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сувсизлантириш, хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва турли хил идишларга жойлаб қўйиш учун керакли ускуналарнинг ҳамда меваларни, резавор меваларни ва сабзавотларни консерва қилиш олдидан тозалаб берадиган машиналарнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бунинг учун корхоналарнинг қувватларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Консервалар, овқат концентратлари, крахмал-патка ва вино ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарининг, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга, саноатнинг шу тармоқлари учун ускуналар чиқараётган машинасозлик заводларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, тунука, шиша идишлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мол ўрайдиган қоғоз, картон ва целлофаннинг хилма-хил турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларини кенгайтириш ҳамда шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш тадбирлари тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдиларки, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш тадбирлари СССР Қуролли Кучларини янада анча қисқартириш тўғрисида СССР Олий Совети IV сессиясида қабул қилинган Қонунга мувофиқ ҳарбий эҳтиёжларга сарфланаётган харажатларнинг камайиши сабабли бўшаб қоладиган маблағлар ҳисобидан пул билан таъминланиши лозим.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларини, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларини, республикаларнинг Министрлар Советларини, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларини, ВЦСПСни ва жойлардаги касаба союз органларини, Халқ хўжалиги кенгашларини, министрликлар ва бошқармаларни совет кишилари хилма-хил лаззатли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига кўпроқ эга бўлишлари учун картошка, маккажўхори, сабзавот, мева ва узумдан тайёрланадиган озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, хилини кенгайтириш ҳамда шу маҳсулотларни янгилигида, шунингдек қайта ишланган ҳолида сотишни кенгайтириш соҳасида шу қарорда белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришни таъминлашга ва бунинг учун катта ташкилотчилик ишини авж олдириб юборишга чақирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН СИЗЛАРНИ ҚУЧОҚ ОЧИБ КУТМОҚДА

СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, қуролли кучлар сафидан бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш ва уларни моддий-маиший жиҳатдан таъминлаш тўғрисида

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «СССР Қуролли Кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, қуролли кучлар сафидан бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш ва уларни моддий-маиший жиҳатдан таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, иттифоқчи ва автоном республикалар Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва бошқармалари, Халқ хўжалиги кенгашлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари зиммасига қуролли кучлар сафидан бўшатилаётган солдат, матрос, сержант, старшина ва офицерларнинг турар жойларига келган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, уларнинг ихтисоси ва иш тажрибаси ҳисобга олингани ҳолда, ишга жойлаштирилишини таъминлаш вазифасини юкладилар.

Аскарликдан бўшатилган ҳарбий хизматчилар кўпроқ саноат корхоналарида, қурилишларда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида ишга жойлаштирилсин, улар орасидан Шимол, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қозоғистон ССР районларида, шунингдек РСФСР ва Қозоғистон ССР нинг қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган районларидаги колхоз ва совхозларда ишлашга ва доимий яшашга юборишни истаган кишиларни шу жойларга юборишни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари:

Муддатдан ташқари хизматда бўлган ҳамда запасга ёки отставкага бўшатилган офицерлар ва ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан биринчи навбатда, аммо амалдаги прописка тартибини ҳисобга олиб танланган турар жойга келган кундан бошлаб кўп деганда 3 ой муддат ичида (уй-жойнинг қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар) таъминлашлари;

— Запасга ёки отставкага бўшатиладиган офицерларни ишга жойлаштириш ва уй-жой-маиший жиҳатдан таъминлаш юзасидан район (шаҳар) ижроия комитетлари ҳузуридаги комиссияларнинг ишини активлаштиришлари ва бундай комиссиялар бўлмаган жойларда уларни ташкил қилишлари лозим.

Запасга бўшатилган офицерларга ишлаб чиқариш ихтисосини эгаллашда ёрдам бериш мақсадида министрликлар ва бошқармаларнинг, Халқ хўжалиги кенгашлари, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари уларга тегишли касбни ўрганиш учун ФЗУ типидаги мактабларга ва курсларга киришда афзаллик беришлари лозим. Запасга бўшатилган офицерларга ўқиш даврида улар қайси вазифада ишлашга тайёрланаётган бўлсалар, ўша вазифанинг тариф ставкаси (ойлик маоши)нинг 75 проценти миқдорида, аммо ойига 400 сўмдан кам бўлмаган миқдорда стипендия тўлансин. Пенсия олувчилар бундан мустаснодир.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига СССР қуролли кучларини яна анча қисқартириш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, қуролли кучлар сафидан бўшатилган офицерларни 1960/61 ва 1961/62 ўқув йилларида имтиҳонсиз қабул қилиш ҳақида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган барча министрликлар ва бошқармалар учун мажбурий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва уларга юбориш топширилди. Бу кўрсатмаларда:

— Олий ўқув юртларининг 1- ва шундан кейинги курсларига тамомланмаган ёки тамомланган олий ҳарбий маълумоти бўлган офицерларни;

— Олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш учун махсус ташкил этилган ва муддати 10 ойгача бўлган курсларга ўрта мактабнинг 10 синфини битирган офицерлар бепул ўқиш ва стипендия тўлаш шарти билан;

— Ўрта махсус ўқув юртларининг 1- ва шундан кейинги курсларига ўрта ҳарбий ўқув юртларини битириб чиққан офицерларни;

— Ўрта махсус ўқув юртларининг биринчи курсларига камида етти йиллик маълумоти бўлган офицерларни қабул қилиш кўзда тутилсин.

Юқорида кўрсатилган офицерлар ўқув юртларига мазкур олий ёки ўрта махсус ўқув юрти учун белгиланган қабул планидан ташқари, офицерларнинг доимий турар жойларига етиб келишларига қараб, бутун ўқув йили давомида қабул қилинсинлар.

Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаган офицерлар орасидан қабул қилинган кундузги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентларига ҳамда олий ўқув юртларига тайёрлаш курсларининг тингловчиларига қониқарли баҳолари бўлган тақдирда ҳам стипендия тўлансин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қуролли кучлар сафидан бўшатилган ва ишлаш ҳақида меҳнат шартномалари тузган ҳарбий хизматчилар учун қуйидаги енгилликларни белгилашга қарор қилдилар:

а) ишлаш жойига бориш учун йўл харажатлари тўланади ва Шимол, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қозоғистон ССР районларига жўнаб кетганда кунига 15 сўм ҳисобидан ҳамда бошқа жойларга борганда — 10 сўм ҳисобидан суточний берилади;

б) Шимол, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қозоғистон ССР районларида ишлаш тўғрисида камида икки йил муддатга шартнома тузган ва ишлаш жойига етиб келган кишиларга 600 сўм, Донбасс районларига келганларга 500 сўм ва бошқа районларда 300 сўм миқдорида бир йўла тўланадиган ва қайтиб олинмайдиган нафақа берилади.

СССР Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ, уларнинг ҳодимлари учун бир йўла тўланадиган нафақа кўпроқ миқдорларда белгиланган корхона ва қурилишларга келган кишиларга нафақа ана шу қарорларга мувофиқ тўланади;

в) Узоқ Шимол районларида ҳамда Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган узоқ ерларда жойлашган корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларда ишлаш ҳақида меҳнат шартномалари тузган кишиларга нафақа, суточний ва бошқа енгиллик ҳамда афзалликлар шу районларда ва жойларда ишлаётган кишиларга енгилликлар бериш ҳақида амалдаги қонунларга мувофиқ берилади;

г) Узоқ ерларда жойлашган қисмлар ва муассасалардан бўшатилган ҳамда Узоқ Шимол районларида ва Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган узоқ жойларда ишлаш тўғрисида бўшатилганларидан кейин 3 ой муддат ичида меҳнат шартномалари тузган муддатдан ташқари хизматдаги офицерлар ва ҳарбий хизматчиларга уларнинг узоқ жойларда узлуксиз ҳарбий хизмат қилган вақти иш ҳақига устама ҳақ ва амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланган бошқа имтиёзлар олиш учун узлуксиз меҳнат стажига қўшилади;

д) якка тартибда уй-жой қуриш учун 7000 сўм миқдорида қарз берилади, бу қарз берилгандан кейин бир йил ўтган кундан бошлаб 7 йил мобайнида тўланади;

е) рўзғорга зарур нарсалар сотиб олиш учун бир ярим йил мобайнида тўлаш шарти билан 1000 сўмгача қарз берилади;

ж) шартнома тузган кишининг ишлаш жойига унинг оила аъзоларини кўчириш харажатлари (меҳнат шартномаси тузилган пайтдан бошлаб 2 йилдан кечиктирмай) ҳамда ишловчининг ўзи учун 240 килограммгача ва унинг оиласининг ҳар бир аъзоси учун 80 килограммгача багаж олиб келиш харажатлари тўланади;

з) уй-жойлар қуриш учун зарур бинокорлик материаллари сотилади ва бу материалларни автомобиль транспортида ташишда тегишли ҳақ учун ёрдам берилади.

Запасга ёки отставкага бўшатилган ҳамда РСФСР ва Қозоғистон ССР нинг қўриқ ва бўз ерлари ўзлаштирилаётган колхоз ва совхозларга доимий ишлаш учун боришни истаган ҳарбий хизматчиларга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда ҳосилнинг ўз вақтида ўриб-йиғиб олинишини ва кузги шудгорлашни таъминлаш тадбирлари тўғрисида» 1959 йил 3 декабрда қабул қилган 1349-сон Қарорининг 19-моддасига мувофиқ енгилликлар берилади.

Запасга ёки отставкага бўшатилган ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ўқув юртларига кирган ҳамда шу ўқув юртларини тамом қилганларидан кейин РСФСР ва Қозоғистон ССР нинг қўриқ ерлар районларида жойлашган совхозларда ишлаш учун қоладиган ҳарбий хизматчилар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрлаш тўғрисида» 1959 йил 30 октябрда қабул қилган 1223-сон Қарорининг 6-моддасига мувофиқ, ўқиш даврида моддий таъминот олиб турадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети шуни белгиладиларки, запасга ёки отставкага бўшатилган ҳарбий хизматчилар қисмдан бевосита Шимол, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қозоғистон ССР районларига ишга жўнаб кетишни истаган тақдирда, ишчиларни ташкилий суратда қабул қиладиган маҳаллий органларга улар билан меҳнат шартномалари тузиш, ҳарбий қисмларга эса бу ҳарбий хизматчиларга уларнинг шартнома тузганликларини проходной гувоҳномада қайд қилиб, ишлаш жойига қадар бориш учун йўл ҳужжатлари бериш рухсат этилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Денгиз флоти министрлиги, Ўрта машинасозлик министрлиги, СССР Министрлар Советининг авиация техникаси давлат комитети, СССР Министрлар Советининг кемасозлик давлат комитети ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги граждан ҳаво флоти бош бошқармаси зиммасига СССР Мудофаа министрлиги ва СССР Госплани билан биргаликда Ҳарбий денгиз флоти ва Ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондон, инженер ва техник составидан запасга бўшатилаётган офицерларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш ва ҳал этиш вазифасини юкладилар. Бу ишнинг натижалари ҳақида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига 1960 йил 1 майгача маълум қилинсин.

СССР Мудофаа министрлигига:

а) Запасга ёки отставкага бўшатилаётган ҳамда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаган офицерларга СССР Министрлар Советининг 1955 йил 23 сентябрда қабул қилган 1725-сон Қарорининг 9-моддасида кўзда тутилган тўловлардан ташқари қуйидагиларни бериш учун рухсат этилсин:

5 йилдан 10 йилгача хизмат қилганда, вазифасига ва ҳарбий унвонига қараб, бир ойлик маош;

10 йилдан 15 йилгача хизмат қилганда икки ойлик маош;

15 йилдан ошик хизмат қилганда—уч ойлик маош.

Юқорида кўрсатилган суммалар бу кишилар доимий турар жойларига келганларидан кейин тўлансин;

б) Олий ва Ўрта ҳарбий ўқув юртларининг офицерлик унвони бўлмаган тингловчилари (курсантлари) запасга бўшатилган вақтда уларга қуйидаги миқдорларда бир йўла тўланадиган нафақа берилсин:

Запас бўйича офицерлик унвони бериш билан бўшатиладиганларга—2000 сўм;

офицерлик унвони берилмаган ҳолда бўшатиладиган, аммо белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтган кишиларга—1000 сўм миқдорида;

в) муддатидан ташқари хизматда бўлиб, запасга ёки отставкага бўшатилаётган офицерларга ва ҳарбий хизматчиларга бўшайдиган йилида фойдаланилмаган отпуска учун бир ойлик маош миқдорида пул билан компенсация тўлансин;

СССР Қуролли Кучларининг кадрлари ҳисобида турган ва граждан министрликларида ҳамда бошқармаларида ишлаётган офицерлар запасга ёки отставкага бўшатилганда уларга ҳарбий унвон бўйича бериладиган маошни ҳисобга олиб пенсия тайинланади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ВЛКСМ Марказий Комитетига запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бундан илгари қабул қилинган қарорлари бўйича жамоат чақириғи тартибида мамлакатнинг шарқий районларидаги энг муҳим қурилишларга, корхоналарга ва ташкилотларга биринчи навбатда юборишни таклиф қилдилар.

Иттифоқчи республикаларнинг министрлар Советлари, Халқ хўжалиги кенгашлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари қишлоқ жойларида, айниқса қўриқ ерлардаги колхоз ва совхозларда уй-жойлар қурилишини рағбатлантириб, запасга ёки отставкага бўшатилган офицерларга якка тартибда ўз маблағлари ҳисобига уй жой қуришда ҳар тарафлама ёрдам беришлари лозим.

Иттифоқчи республикаларнинг маориф министрликлари муддатдан ташқари хизматда бўлиб, запасга ёки отставкага бўшатилган офицерлар ва ҳарбий хизматчилар турар жойларига келганларидан кейин уларнинг болаларини бошланғич ва ўрта мактабларга бемалол қабул қилинишини таъминлашлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари зиммасига муддатдан ташқари хизматда бўлган ва запасга ёки отставкага бўшатилган офицерларни, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини барча шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган пунктларда доимий туриш учун прописка қилиш, Москва, Ленинград ва Киев шаҳарларида эса уларнинг доимий уй-жойлари бўлган тақдирда ёки ҳарбий хизматга кетганларига қадар шу шаҳарларда доимий турганлари тақдирда прописка қилиш вазифасини юкладилар. Шунингдек муддатдан ташқари хизматда бўлиб, запасга ёки отставкага бўшатилган офицерлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳарбий хизматчининг отаси, ёки унинг хотини, ёки ҳарбий хизматчининг болалари турган уй-жойга ундаги санитария нормасидан қатъи назар бемалол прописка қилинадилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси, ҳарбий округларнинг, қўшин группаларининг, флотларининг армиялар ва флотилияларнинг Ҳарбий кенгашлари ва сиёсий бошқармалари (бўлимлари) запасга бўшатилаётган ҳарбий хизматчилар орасида уларнинг саноат корхоналари, темир йўллар, электростанциялар ишида ва қурилишларда, кўмир, металлургия, нефть ва кимё саноатида, ёғоч тайёрлашда, транспортда, қишлоқ хўжалигида ва қўриқ ҳамда бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларни обод қилишда иштирок этишлари катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари керак.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти сафидан бўшатилган ҳарбий хизматчиларни ўз вақтида ишга жойлаштириш, уларнинг профессионал таълим олишини ташкил қилиш ҳамда уй-жой билан ва маиший жиҳатдан таъминлаш тўғрисида энг кўп ҳамкорлик қилиш зарурлигига партия-совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, министрлик ва бошқармалар, Халқ хўжалиги кенгашлари, корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар, совхоз ва колхозлар раҳбарларининг эътиборини жалб этдилар.

СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ БУТУНИТТИФОҚ ЖАМИЯТИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

26 январда Катта Кремль саройида Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг III съезди очилди. Барча иттифоқчи республикалар, ўлка ва областлардан келган делегатлар орасида атоқли олимлар ва агрономлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва донгдор дала меҳнаткашлари, ўқитувчилар, врачлар ва инженерлар бор. партия ва давлат арбоблари бор. Коммунизм идеяларини пропаганда қилишда актив қатнашишга ўз билимларини ва тажрибасини кенг халқ оммаси ўртасида ёйишга қизғин интилиш уларнинг ҳаммасини бирлаштирмоқда.

Съездга Хитой, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Мўғулистон, Польша, Руминия, Чехословакиядан илмий ва техника пропагандаси жамиятларининг вакиллари келдилар.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский ўртоқлар президиумга чиққанларида съезд қатнашчилари уларни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Съездни жамиятнинг энг кекса аъзоларидан бири, авиация техникаси бўйича бош конструктор академик **А. Н. Туполев** очди.

У қардош социалистик мамлакатлардаги шу хил ташкилотлардан съездга келган вакилларни табриклайди ҳамда съездни очиқ деб эълон қилади.

Сўнгра делегатлар съезднинг раҳбар органларини сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Президиумини съезднинг фахрий президиумига сайлаш тўғрисидаги таклиф баланд руҳ билан кутиб олинади.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **П. Н. Поспелов** Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг III съездига Коммунистик партия Марказий Комитетининг табригини ўқиб эшиттиради. Съезд делегатлари бу табрикни гоят баланд руҳ ва мамнуният билан кутиб олдилар.

Сўнгра съезднинг қуйидаги кун тартиби яқдиллик билан тасдиқланади: Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг ҳисоботи; ревизия комиссиясининг ҳисоботи; Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида; правлениени ва ревизия комиссиясини сайлаш.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг Раиси академик **М. Б. Митнига** доклад учун сўз берилади.

Коммунизмга ўтмоқ учун моддий бойликлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда кишини маънавий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрлаш талаб қилинади, деди у. Шу сабабли ҳозирги даврда коммунистик тарбия масалалари партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятида марказий масалалар бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида идеология ва пропаганда ишларининг кенг ва равшан программаси берилган, деб уқтириб ўтади докладчи. Аҳолининг ҳамма табақалари ўртасида олиб бориладиган оммавий ғоявий-тарбиявий ишларнинг мазмуни, формалари ва методларини аниқ белгилаб берган бу қарор жамият учун ҳам жанговар ҳаракат программасидир, унинг иши учун асосдир.

Ҳисобот даврида Бутуниттифоқ жамиятининг фаолияти партия XX ва XXI съездларининг ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ва материалларини пропаганда қилиш вазифаларига бўйсундирилган эди. Ҳозирги вақтда мамлакатда фақат жамият лекторларининг ўзигина кун сайин 21 мингдан ортиқ лекция ўқимоқдалар. Жамиятнинг ҳамма ташкилотлари лекцияларда, докладларда ва суҳбатларда марксизм-ленинизм таълимотини пропаганда қилдилар, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг улуғвор вазифаларини, совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини тушунтириб бердилар. Оғзаки ва босма пропагандаининг ғоявий ва илмий мазмунини юксалтириш учун кураш Жамият фаолиятининг асосий хусусияти бўлди.

Докладчи республика жамиятларининг, ўлка ва область бўлимларининг ишига батафсил тўхталиб ўтади, иқтисодий билимларни, техника тараққиётини, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларининг илғор тажрибасини, шунингдек табииёт-илмий ва атеистик билимларни пропаганда қилиш ишининг ҳаволини характерлаб беради ва ҳоказо.

Докладда пропагандаининг кейинги йил ичида кенг авж олдирилган хилма-хил формаларини характерлашга анча ўрин берилди. Лекция цикллари, илмий техника, ишлаб чиқариш, иқтисодий конференциялардан кенг фойдаланилмоқда. Илғор тажриба институтлари ташкил этилмоқда, фан кучлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашувлар, халқлар дўстлиги кечалари, революция ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Якшанба кечалари, оғзаки журналлар жуда манзур бўлмоқда. Халқ университетлари муҳим роль ўйнайдиган бўлиб қолди, уларнинг сони мамлакатимизда ҳозирдаёқ бир мингдан ортди.

Докладчи сиёсий ва илмий билимларни тарқатишдаги энг характерли камчиликларни ва, аввало, пропагандани турмушдан ажратиш ҳоллари ҳали ҳам борлигини кўрсатади. Меҳнатга коммунистик муносабатни, коммунистик ахлоқни тарбиялашга, янгилик ниҳолларини умумлаштириш ва оммалаштиришга кам эътибор берилмоқда. Пропагандада кўпинча, зарур жанговарлик руҳи, ўтмиш сарқитларига нисбатан муросасизлик, буржуа идеологиясига ва ҳозирги замон ревизионизмига қарши курашда эҳтирос етарлик бўлмайди.

Пировардида, докладчи бундай деди: Бутуниттифоқ жамиятининг мамлакат ҳаётида тобора ўсаётган роли биринчидан, коммунистик тарбия вазифаси ҳозирги вақтда марказий масалалардан бири бўлганлиги билан, иккинчидан, жамоат ташкилотлари ролининг умуман ўсганлиги билан ва учинчидан, совет интеллигенцияси ижодий активлигининг ўсиб бораётганлиги билан белгиланади.

М. Б. Митин жамиятнинг ҳамма аъзолари номидан КПСС Марказий Комитетининг съездга юборган табригида жамиятнинг фаолиятига ўюксак баҳо берилганлиги учун партия Марказий Комитетига ташаккур изҳор қилади ҳамда Жамият аъзолари Совет мамлакати гражданларини коммунистик руҳда тарбиялашда бундан буён ҳам актив қатнашадилар, деб ишонтиради.

Сўнгра ревизия комиссиясининг раиси академик **А. А. Благонравов** комиссиянинг докладини қилди. Шундан кейин музокаралар бошланди.

Музокараларда Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи РСФСР жамияти правлениесининг раиси академик **И. И. Артоболевский**, Украина жамияти правлениесининг раиси **Л. И. Кухаренко**, Белоруссия жамияти правлениесининг раиси **К. И. Лукашов**, Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Грузия жамияти правлениеси президиумининг аъзоси **Г. С. Ахвледиани**, «Гюргяннефть» трестининг бошқарувчиси **Б. Мамедов**, Қозоғистон жамияти правлениесининг раиси **С. Б. Баишев**, Москва давлат университетининг проректори **Г. Д. Вовченко**, Молдавиядаги қишлоқ лекторлик группасининг раҳбари **И. Н. Стегарь**, Совет рассомлари союзининг секретари **Е. Ф. Белашовалар** қатнашдилар.

Сўзга чиқувчилар партия Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида пропаганданинг вазифалари тўғрисида»ги қарори жамият ташкилотларининг фаолияти учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини якдиллик билан таъкидладилар, шу муносабат билан, меҳнаткашларга коммунистик тарбия беришда партияга ёрдам қилишлари лозим бўлган жамият аъзолари зиммасига юксак масъулият тушганлиги ҳақида гапирдилар. Нотиқлар жамият фаолиятига берилаётган эътибор учун партия Марказий Комитетига ташаккур айтдилар ҳамда партия илгари сурган вазифаларни бажариш учун бутун билимлари ва тажрибаларини беришга ваъда қилдилар. Съезд қатнашчилари тажриба алмашдилар, жамият ташкилотларининг пропаганда соҳасидаги фаолиятини яхшилашга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

Съездни Хитой Халқ Республикаси илмий техника жамияти Умум Хитой комитети секретариатининг аъзоси Чжан Чжун-чю ҳамда Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Чехословакия жамиятининг вакили Иозеф Мацек табрикладилар.

27 январда съезд ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАР ТЎЛА ИШГА СОЛИНСИН

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Кеча область партия ташкилотининг тўққизинчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга яқинда Андижон областига қўшилган Наманган шаҳри ва Наманган, Уйчи, Норин, Учқўрғон, Янгиқўрғон районларидан ҳам делегатлар қатнашдилар.

Область меҳнаткашлари партия XX — XXI съездлари ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумларининг тарихий қарорларини амалга оширa бориб, 1958 — 1959 йилларда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Кейинги икки йил ичида область саноати давлат планларини ортиги билан бажариб, 118 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ҳисобот даврида Избоскан районида гўшт заводи, Андижонда асфальт заводи қурилди. Андижон ва Ленинск ёғ заводларида тозалаш-сепаратор цехлари, қушхонада гўшт-ёғ корпуси ишга туширилди ва 18 та қурилиш-тозалаш цехи фойдаланишга топширилди.

Область саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорини бажара бориб, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаш юзасидан катта ишлар қилди. Нефтчилар ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. 1958 — 1959 йиллар ичида барча нефть конларидаги қудуқлар телемеханизация асосида бошқаришга кўчирилди.

Коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни олиш учун курашаётган коллективлар етти йиллиқнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлади. Область саноат корхоналарида 116 та ана шундай бригадалар бўлиб, шулардан 15 тасига коммунистик меҳнат бригадаси деган фахрли ном берилди.

Ҳисобот даврида 3 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифи тушган. Шундан 60 проценти ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 11 миллион сўмга яқин фойда олинди.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, катта муваффақиятга эришдилар. Область бўйича давлатга 635 минг тоннадан зиёд пахта сотилди. Тайёрланган пахтанинг 83,3 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Ҳар гектар ердан ўртача 27,8 центнердан ҳосил олинди. Орденли область пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар.

Ленин районининг колхозлари областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 32,8 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 35 минг 500 тонна пахта сотдилар. Марҳамат районининг пахтакорлари ҳосилни 1957 йилга нисбатан 3 центнердан, 1958 йилга нисбатан 2 центнердан оширдилар ва ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилни 29 центнерга етказдилар.

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозида ҳар гектар ердан 35,5 центнердан, Сталин номли колхоз 35 центнердан, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоз 35,5 центнердан, Ленин районидаги «Правда Востока» колхози 40 центнердан, Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоз 37,2 центнердан, Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхози 34,6 центнердан «Оқ олтин» йиғиб олди.

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бу муваффақиятлар асосан пахтачиликда фан ютуғи ва илғорлар тажрибаларини кенг қўлланиш ҳамда техникадан унумли фойдаланиш асосида қўлга киритилди. Ўтган йили 27 минг гектр ерга чигит квадрат-уялаб экилди. 152 минг гектар ердаги ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов берилди. Бутун пахта майдонининг 30 процентидан кўпроғи ёки 51 минг гектар майдон трактор-далачилик бригадалари томонидан кетмонсиз ишланди. Етиштирилган пахтанинг 50 минг тоннаси машина билан териб олинди. Ҳар бир машина билан ўртача 61 тоннадан пахта терилди.

Айниқса бу сохада Йўлдош Исмоилов, Эргаш Йўлдошев, Норбой Раҳимбердиев, Йўлдош Ўринбоев, Ориф-жон Усмонов, Сотиболди Солиев каби моҳир механик-ҳайдовчилар яхши натижаларга эришдилар. Улар ўз агрегатларидан унумли фойдаланиб мавсумда 130 — 140 тоннадан пахта териб бердилар. Пахтачиликда қўл меҳнатини камайтириш ва дала ишларини механизмлар ёрдами билан бажариш пахта етиштириш учун сарфланаличан меҳнат ҳамда пул харажатларини анча камайтириш имконини берди. Агар 1958 йилда бир центнер пахта етиштириш учун 8,5 меҳнат куни ва 195 сўмдан пул сарфланган бўлса, ўтган хўжалик йилида 6,5 тадан меҳнат куни, 158 сўмдан пул харажат қилинди.

Етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш жараёнида областда ажойиб пахтакорлар етишди. Ленин районидаги Карл Маркс номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Маннон Жалолов ўзига бириктирилган 180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан пахта ҳосили олди. Бу бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 16,7 тоннадан пахта етиштирди. Етиштирилган ҳосилнинг 30 проценти машинада териб олинди. Маннон Жалоловнинг ўзи машинада 130 тонна пахта териб топширди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Раҳмонқул Қурбонов ва сўзга чиққан делегатлар муваффақиятларни ҳайд қилиш билан бирга хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида йўл қўйилган жиддий камчиликларни ҳам очиб ташладилар. Етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш соҳасидаги вазифалар устида тўхталиб ўтдилар.

Хўжаобод, Андижон, Бўз, Марҳамат район партия комитетларининг секретарлари Қобулжон Усмонов, Зиёвуддин Низомов, Абдурашид Тожибоев, Худойқул Ҳожибеков ўртоқлар ўз нутқларини асосий эътиборни пахтачиликни янада ривожлантириш учун мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш масалаларига қаратдилар.

Бултур областдаги 211 колхоздан 33 таси ва 461 бригада йиллик пахта тайёрлаш планини бажармади. Илғорлари областдагина эмас, балки республикада шуҳрат қозонган Андижон, Избоскан ва Олтинкўл районлари ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажармадилар. Андижон районида пахта тайёрлаш давлат плани атиги 96,91 процент бажарилди. Давлатга пландагига нисбатан 1290 тонна кам пахта сотилди. 1957 йилда ҳар гектар ердан 35,91 центнердан пахта ҳосили йиғиб олинган бу районда 1958 йилда ўртача ҳосил 33,47 центнерга, 1959 йилда эса, 30,7 центнерга тушиб кетди. Аниқроғи, кейинги икки йил ичида Андижон район колхозларида ҳар гектар ердан олинадиган ўртача ҳосил 5,2 центнер камайиб кетди.

Пахтаобод районида йиллик пахта тайёрлаш давлат плани 102 процент бажарилган бўлса ҳам ҳар гектар ердан олинган ҳосил 1958 йилга нисбатан бир ярим центнер, 1957 йилга нисбатан 2,8 центнер камайиб кетди. Райондаги Киров номли, «Коммунизм» ва Будённий номли колхозларда янада ачинарли аҳвол юз берди. Будённий номли колхозда гектар бошига йиғиб олинган ҳосил бир йилнинг ўзида 9 центнер камайди.

Ўтган хўжалик йилида 8-совхозда ҳам аҳвол ёмон бўлди. Бу совхоз пахта тайёрлаш давлат планини атиги 89,5 процент бажарди. Совхоз директори ўртоқ Мирзаев етарли ташкилотчилик кўрсатолмади. Натижада у совхоз директорлиги вазифасидан олиб ташланди.

Ўтган йили Избоскан, Сталин, Чинобод район колхозларида ҳам 1958 йилга нисбатан ҳосилдорлик 2 центнер камайиб кетди. Ана шулар ҳисобига давлатга 30 минг тонна кам пахта сотилди.

Наманган районидаги Сталин номли колхоз раҳбарлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасанбой Соиббоев, Пахтаобод районидаги Энгельс номли колхоз раиси Мунаввар Қодирова, область Сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Усмонов ва бошқа делегатлар пахта ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш, қолоқ хўжаликларни ўртача хўжаликларга ва ўртача хўжаликларни эса, илгор хўжаликларга етказиб олиш пахта ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг энг муҳим резервлари эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлаб, область партия ташкилоти олдида турган вазифаларни гапириб берди.

Область партия конференцияси область партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилди. Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини тасдиқлади.

Конференция область партия комитетининг ва область ревизия комиссиясининг янги составини сайлади ҳамда Ўзбекистон Компартияси съездига делегатлар сайлади.

* * *

Область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ Р. Қурбоновни область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, ўртоқ А. П. Буреевни иккинчи секретарь ва А. С. Никитин, А. Эгамбердиев, Х. Жўраев ўртоқларни область партия комитетининг секретарлари қилиб сайлади.

ТУРСУНОЙ ИЗИДАН

ҲИММАТИНГГА БАЛЛИ!

Ҳуринисо, эҳтимол, пахтазор кемасини бошқариш ҳақида илгарроқ ўйлагандир, у кузда терлаб-пишиб ишлаётган дугоналарига, колхозчиларга керакли нарсаларни етказиб бериш учун кўчма дўкон ташкил қилиб, дала шийпонида газламаларни ўлчаётганида бу матоларнинг арқоғи нимадан, худди мана шу газлама бўлган пахтани қайси теримчи териб, қайси тўқувчи тўқиган экан деб ўйлагандир, ажаб эмаски, у лўппак-лўппак пахтани хўплаб кетаётган терим машинасининг орқасидан ҳавас билан қараб қолгандир...

Ҳуринисо бир қарорга келишдан олдин хўп ўйлаб кўрди, етти ўлчаб бир кесадиган қиз эмасми, ариза ёзишдан илгари дугоналари билан маслаҳатлашди. Ҳар ким ҳар хил ўз билганича маслаҳат берди. «Нафис ипак молларни ушлашга ўрганган нозик қўллар пахта териш машинасининг рулини, мойли қисмларини маҳкам тута олармикан?!. Маслаҳатгўйлар орасида шундай деб очиқ айтмаса-да магазинчи билан механик-ҳайдовчи ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигига шама қилган кишилар ҳам бўлди.

Турсуной Охунованинг довруғи ортган сари Ҳуринисода механик-ҳайдовчи бўлиш, бунинг учун дўконни топшириб, колхозга аъзо бўлиб кириш орзуси зўраяверди. Орзу, яхши ният, албатта,бир эмас бир кун рўёбга чиқади, амалга ошади. Инсоннинг, меҳнат аҳлининг энг эзгу орзулари рўёбга чиққан Ватанимизда чўпоннинг олим бўлиш, колхозчининг инженер даражасига кўтарилиш ҳақидаги орзуси чидам билан, қунт билан ҳақиқатга айланади. Шунинг учун ҳам комсомол аъзоси ўртоқ Муҳамедова магазинда ишлашдан кўра бевосита далада бўлишни, юзлаб, минглаб дугоналари сингари бепоён пахта далаларида жавлон уришни афзал кўрди. Тўғри, совет савдо ходими бўлиш ҳам фахрли иш. Лекин дўкон прилавкасининг ёнида кексароқ, машина минишга кучи етмайдиган бошқа бир киши ишласа ҳам бўлаверади.

Комсомол қиз юрак амрига, қалб садосига қулоқ солди. Турсуной билан Ойимхоннинг бир-бирларига ёзган мактубини ўқиб чиққач, ариза ёзишга тутинди.

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз правлениесининг раиси идорадан энди чиқаман деб турган эди. Қувасойнинг марказидаги қишлоқ магазинининг мудири Ҳуринисо кириб келди. Раис, завмаг одатдаги ишлар билан келгандир, деб ўйлади шекилли, деди:

—Келинг, ўртоқ Муҳамедова, қандай яхши моллар келтирилди, колхозчиларимизнинг пули кўп...

—Мен бошқа бир муҳим масала билан келган эдим.

Ҳуринисо шундай деди-да, икки букланган қоғозни узатди.

Раис аризани ўқиган сари юзида ўзгариш, қандайдир қувонч аломатлари пайдо бўла бошлади, қиз буни сезиб туриптн. Колхоз раҳбари қоғозга иккинчи марта кўз югуртириб чиққач, ўрнидан турди, қўлини узатиб:

— Раҳмат, Ҳуринисо, ҳимматингизга балли, комсомолча иш мундоқ бўпти.—деди чин қалбдан.

Ҳуринисо Муҳамедова Қувасойдаги ўрта мактабни тугаллагач, савдо дўконига шогирд бўлиб кирди. Хушмуомалалиги, софдиллиги, ҳаммадан ҳам ишчанлиги билан тез орада танилиб, харидорлардан фақат олқиш эшитди.

Савдо ходиминнинг колхозга аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги, механик-ҳайдовчилар тайёрлайдиган курсга бориб ўқиш ҳақидаги талаби мамнуний билан қондирилди.

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Ҳуринисо Муҳамедова бугун-эртага курсга жўнайди. У, Қувасой РТС ҳузурида ўқийди, механик-ҳайдовчи бўлиш учун чидам, қунт, ғайрат билан, сира эринмай ҳунар ўрганади.

— Эҳтимол, қийналарман. Жон қийналмаса, жонона қайда деган гап бор-ку, ахир. Эҳтимол, бу йил кузакда Турсуной сриштан кўрсаткичга эришиш қийиндир. Лекин, билиб қўйинг, машинани жиловлаб олгач, атоқли механизаторлар билан беллашавераман.

Комсомол қизнинг бу гапига ишонса бўлади.

Наримон ЭРКИНОВ,
Хамид НУРИЙ.

Ҳуринисо МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ ТУГАДИ

Республикамизда Озарбайжон адабиёти ва санъати ҳафталиги эўр муваффақият билан ўтди. СУРАТДА: Озарбайжон ёзувчилари Сулаймон Рустам, Мамед Роҳим ва Али Валиев Тошкент шаҳар ёшлари орасида.

И. Глауберзон фотоси.

АНДИЖОН НЕФТЧИЛАРИ ВА ПАХТАКОРЛАРИ ҲУЗУРИДА

АНДИЖОН, 26 январь. (ЎзТАГ). Андижон областининг меҳнаткашлари ҳурматли меҳмонларни — Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти қатнашчиларини самимий кутиб олдилар. Қардош республика адиблари ва санъат арбоблари телемеханизациялаштирилган «Андижон» корхонасида бўлдилар. Фарғонадаги нефть комбинатининг бош инженери Р. Шахназаров меҳмонларга ўзбек нефтчиларининг ҳаёти ва меҳнати тўғрисида сўзлаб берди.

— Биз мамлакатда биринчи автоматлаштирилган нефть районини кўра олганимиз учун ўзимизни бахтиёр деб ҳисоблаймиз,— деди шоир Мамед Роҳим. — Биз, Озарбайжон адиблари учун нефть учун кураш ҳамма вақт тўлқинлантирувчи тема бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз талабчан китобхонлар олдида қарздор бўлиб қолмасликка интиламиз.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом ўзбек адибларининг ҳам нефтчилар ҳаётини акс эттиришга эътибор бераётганликларини таъкидлаб ўтди. Масалан, ёзувчи Ғайратий ана шу темада роман ёзмоқда.

Меҳмонлар Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозга бордилар. Бу ерда янги Маданият уйида катта адабий кеча бўлди. Кечада пахта далаларининг мингдан ортиқ меҳнаткашлари қатнашдилар.

Ёзувчи Ҳамид Ғулом бу ерда тўпланганларни ҳафталик қатнашчилари билан таништириб, Озарбайжоннинг машҳур адиблари Али Валиев, Мамед Роҳим ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг ижодиётн ҳақида гапириб берди.

Колхоз клубида қардош Озарбайжон артистлари томонидан берилган концерт зўр муваффақият билан ўтди.

ДЎСТЛИК мушоира темаси

Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ҳафталиги қатнашчиларининг республика меҳнаткашлари билан учрашувлари самимий, дўстона вазиятда ўтди. Озарбайжон адиблари Тошкент машинасозлари, Самарқанд пахтакорлари, Фарғона ипакчилари, Андижон нефтчилари ва Қорақалпоғистон қурувчилари ҳузурида бўлдилар. Қардош республикадан келган меҳмонлар китобхонлар олдида ўз асарларини ўқиб бериб, уларнинг тилакларини эшитиб, ана шу учрашувларда кўпгина янги таассуротларга, янги темаларга эга бўлдилар. Озарбайжон ва Ўзбек ёзувчиларининг 27 январда Тошкентда, Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида бўлиб ўтган ижодий суҳбати меҳмонларнинг Ўзбекистон ҳаёти билан танишишининг қонуний якуни бўлди.

Танигли ўзбек ёзувчиси Уйғун мунозарани оча туриб, бундай деди: бўлиб ўтган ҳафталик иккала республика адабиётини ривожлантиришда, шубҳасиз, катта из қолдиради, совет халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг редактори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси Б. Ю. Зоҳидов озарбайжон ва ўзбек ёзувчиларининг ижодидаги яқин алоқаларни таъкидлаб, ана шу алоқаларнинг янада мустаҳкамлана бориши билан ҳар бир адабиётнинг миллий хусусияти ўз ифодасини тобора кўпроқ топади деди.

Машҳур озарбайжон ёзувчиси Али Валиев Ўзбекистон бўйлаб қилган сафари тўғрисидаги ўз таассуротлари ҳақида гапириб, бир қанча қизиқарли масалаларни кўтариб чиқди. У бундай деди: совет ёзувчиси кўтариб чиқаётган темалар доираси қанчалик кенг бўлмасин, халқлар дўстлиги темаси, меҳнат темаси, етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш темаси унинг ижодида асосий тема бўлиши керак. Коммунизм қурилишида актив қатнашаётган Ўзбекистон ишчилари ва колхозчилари билан учрашганимизда бунга бир яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Али Валиев ўзбек адибларининг ижодини Озарбайжонда ва Озарбайжон адибларининг ижодини Ўзбекистонда оммалаштириш юзасидан ишни кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирди.

М. Шевердин ўз нутқини Озарбайжон ёзувчиларининг асарларидаги ижодий маҳорат проблемаларига бағишлади.

Озарбайжон шоири Мамед Роҳим Ўзбекистон ва Озарбайжон адибларининг янги асарларини таржима қилишни қандай қилиб тезлаштириш кераклиги тўғрисида гапирди. Бунинг учун аввало иккала республика адабиёти вакиллари ўртасида шахсий алоқалар ўрнатилиши керак. Агар сизнинг, ҳатто ҳали маълум бўлмаган шоирингиз, деди Мамед Роҳим, янги яхши шеър ёзиб келса ва бу шеър менинг номимга юборилса, мен уни хурсандчилик билан таржима қилишга киришаман.

Ўзбекистондаги ҳафталик вақтида бизга нисбатан кўрсатилган эҳтиром бизга айниқса ёқимлидир, деди Озарбайжон шоири Сулаймон Рустам. Лекин айтишим керакки, деди у, ўзбек ва озарбайжон адиблари ўртасида чинакам ва ижодий ҳамкорликни ўрнатиш учун бир ҳафта — жуда қисқа муддатдир. Бир-бирларимизга тез-тез келиб туриш ва узоқроқ вақт меҳмон бўлиш керак. Ахир, ҳар иккала республиканинг ёзувчилари қанчадан-қанча умумий темаларга эга!

Филология фанлари кандидати М. Юнусов Озарбайжонда ва Ўзбекистонда адабиётшунослик фанини ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари тўғрисида гапирди. В. Рузметов таржима иши проблемаларига тўхталиб ўтди.

Ёш озарбайжон шоири Қобил Имомбердиев, бўлиб ўтган ҳафталик Озарбайжон адиблари учун жиддий ижодий имтиҳон бўлди, деди. Энди улар ўзларида ўзбек ёзувчиларини кутиб олиш учун тайёргарлик кўрадилар.

Шоир Мақсуд Шайхзода озарбайжон ва ўзбек поэзиясида шеър формаларининг хусусиятлари тўғрисида гапирди. У таъкидлаб ўтдики, бу хусусиятлар шеърий асарларни таржима қилишда албатта ҳисобга олиниши керак. Таржималарнинг мумкин қадар аниқ ва ифодали чиқишига эришиш лозим.

Шу куни Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг мажлислар залида Ўзбекистонда Озарбайжон адабиёти ҳафталигига бағишланган охирги кеча бўлди.

Озарбайжон ёзувчиси Али Валиев кечада тўлқинлантирувчи нутқ сўзлади. У социалистик миллатлар ҳамкорлигининг ажойиб самаралари тўғрисида, пролетар интернационализми идеяларининг тантанаси ҳақида гапирди.

Озарбайжон шоирларидан Сулаймон Рустам, Мамед Роҳим, Осмон Саривелли, Қобил Имомбердиевлар ўз шеърларини ўқиб бердилар. Ўзбек шоирларидан Миртемир ва Рамз Бобожон Озарбайжон адибларининг ўзбек тилига таржима қилинган шеърлари ва поэмаларини ўқиб бердилар.

Филология факультетининг учинчи курс студенти Зулфия Мирпўлатова меҳмонларга қарата қизғин шоирона сўзлар айтди. Филология фанлари кандидати Г. Галимов Озарбайжон адибларини университет ўқитувчилари номидан табриклади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси В. Ю. Зоҳидов кечани ёпа туриб, озарбайжон тилида қардош республика ёзувчиларига ва шоирларига янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Кеча охирида Озарбайжон санъат усталари иштирокида концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Али ВАЛИЕВ

(«БИЗНИНГ ЧЕЧАКЛИДА» РОМАНИДАН)

Сентябрь Пленумининг якунлари Озарбайжон Марказкомида муҳокама қилинган чоқда, пленумнинг қарорларини тезроқ бажариш тадбирлари белгиланди. Шунда сўнгги вақтларгача Марказий Комитет қишлоқ хўжалик бўлимида ишлаб келган Ислом Баширли қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи қолоқ районлардан бирига партия аппаратини мустаҳкамлаш учун бориш ҳақида ҳаммадан аввал отилиб чиқди.

Уни Эшигли районига юборишди.

Баширлига ҳамма ишни деярли қайтадан бошлашга тўғри келди. Тўғри, ишдан четлатилган ходимларнинг ўрнига районга бир неча янги киши: ижроком раиси, МТС директори, милиция бошлиғи юборилди. Асосан эса аввалги одамлар ўз ўрнида қолди — улар Зулфиқоровнинг вақтида ишлагани учун фақат шунга асосланиб бу ходимларга ишонмай қўйиш мумкин эмас эди-да, ахир! Аммо қолган ходимлардан баъзиларини ҳам алмаштиришга тўғри келди: район савдо бўлимининг мудири судга берилди, сорт синаш станциясининг директори ишдан олинди. Тайёрлов министрлигининг вакили обрўсининг борида бошқа жойга жўнаб қолди.

Районда асосий нарса — пахта эди. Эшигли ўзининг ажойиб узун толали пахтаси билан ҳамиша ном чиқариб келган.

Аммо мана шу пахтачилик соҳасида иш жуда пачава эди. Эжин майдонлари камайиб кетди, пахта сифати бузилган, то совуқ тушгунгача терим давом этар ва қимматли хомашёнинг жуда кўп қисми далада туриб нобуд бўлиб кетар эди.

Ислом ўзининг бутун эътиборини, кўп вақтини пахтачиликка берди. У районни кезиб чиқди, пахтакор колхозларнинг қариб ҳаммасига бориб келди раислар, агрономлар, бригадалар, теримчилар билан танишди, улар билан суҳбатлашиб ишларига нима ҳалақит бераётганини ва қандай ёрдамга муҳтожликларини суриштирди.

Баширли камсухан одам бўлиб, санамай саккиз дейишни ёмон кўрар эди. У одамларнинг гапига қулоқ соларди. Баширли одамларнинг қонидаги гапни билиб олиш, улар билан ошкора гаплашишдек камдан-кам учрайдиган истеъдодга эга эди...

Район ва колхозлар билан дастлабки танишишдаёқ Ислом ишнинг энг заиф жойини пайқаб олди: бу — колхозларга раҳбарлик қилиш масаласи экан.

Колхоз раислариннг кўпчилиги гарчи ўтмишда қандайдир хизматларга эга бўлса ҳам, замон талабларидан очиқдан-очиқ орқада қоларди. Уларнинг орасида турли тоифадаги кишилар — ҳалол ва муттаҳам одамлар, сон-саноқсиз бўйруқларни бажонидил бажарадиган ва ҳеч қандай мулоҳазага бормай бажараверадиганлар, очиқдан-очиқ лапашанглар ҳам бор эди. Аммо райслар орасида колхозчилар оммасини янги вазифаларни бажаришга отлантира биладиган, ўқимишли, мулоҳазали кишилар деярли йўқ эди.

Баширли ана шундай кишиларни қидира бошлади. Маълум бўлдики, районда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг кўпчилиги ақлбовар қилмайдиган ишлар ва лавозимларда ўтириб қолган экан. Икки йил бурун қишлоқ хўжалик институтини битириб чиққан ёш агроном қиз омонат кассада кассир бўлиб ишлайди. У ерга қандай қилиб тушиб қолибди денг? Районда шу қизга монан вазифа топилмапти, уни бир колхозга юборишган экан, профессорнинг мароқли лекцияларини ҳали унутмаган ёш талабчан қиз раис билан чиқишолмапти. Колхоздан кетишга мажбур бўлипти, аммо қариндош-уруғлари ва оиласидан кечиб, бошқа районга боргиси келмапти.

— Ҳозир колхозга борасизми? — сўради Баширли. — Агрономликка?

— Албатта бораман, — деди қиз ич-ичидан суюниб. — Ахир мен шу касбга ўқиганман, касбимни севаман.

— Уни «Завети Ильича» колхозига юборишди.

Маорифдан, район кутубхонасидан ва ҳатто Азторг омборидан агрономлар, механизаторлар, мелиораторлар топилди. «Янги ҳаёт» колхозининг раиси Мамадиёр тўғрисида гап қўзғалганда районнинг бош агрономи Али Сулаймонов:

— Буни сира ўйлайдиган жойи йўқ! — деб бақириб юборди. — Мамадиёрни алла қачонлар ишдан олиш керак эди.

— Ишдан олиш. ишдан олиш... — деб тўнғиллади Қодир. — Ишдан олиш осон хўш. Ўрнига кимни қўясан?

— Бунисн ҳам равшан. Ўша колхозда ажойиб деҳқон, колхоз олими ишлайди...

— Ким у? — сўради Ислом.

— Азиз Муродли, яхши коммунист, жуда билимдон, жуда ўқимишли одам, у бир неча йилдан буён пахтанинг янги тезпишар сортини яратиш устида иш олиб бораяпти. Менинг билишимча, иши анча муваффақиятли бораяпти.

— Йўқ, — деди гапни чўрт кесиб Қодир. — у раисликка ярамайди.

— Нега?

— У... у раҳбарликни эплайолмайди. Қаттиқ қўл, жиртаки одам, ҳамма билан жанжаллашиб, ҳаммани ўзига душман қилиб олади.

— Биз унга йўл-йўриқ кўрсатамиз, кези келганда хатосини тузатиб турамиз...

— Йўқ, йўқ...

Баширли Азизни ўз ҳузурига чақирган эди. Лекин унинг ўзини тўсатдан Бокуга, Марказкомга чақириб қолишди ва Азиз билан суҳбатлашишни иккинчи секретарга топширишга мажбур бўлди. Баширли Бокуда бир неча кун бўлди, «Янги ҳаёт» колхозида мажлис унинг иштирокисиз ўтди, янги раиснинг иши ҳақида кейинчалик Исломнинг қулоғига етиб келган ҳамма гаплар унинг қарори тўғри бўлиб чиққанлигини тасдиқлади...

— Хўш, колхозда ишлар қалай, қандай мўлжалларингиз бор, нималар оёғингизга тўғоноқ бўляпти, бир гапириб беринг-чи, — деди Баширли Азиз унинг кабинетига кириб келгач,

— Шу, сувдан жуда қийналяпмиз-да, ўртоқ Баширли... Одамни жуда танг қолдираяпти. Одамлар шу қадар тиришиб, ишлаб турган бир пайтда райжкроком биз билан маслаҳатлашиб-нетиб ўлтирмай, бизнинг фикримизни сўрамай қўқ-қисдан қарор чиқарибди.

— Хўш, тўғри, қарорда: «Янги ҳаёт» колхозига тавсия этилсин...» дейилган. Тавсия этилсин деган гап «таклиф қилинсин» ёки «топширилсин» деган маънони асло билдирмайди... — Баширли ўйга толди. — Ростини айтсам, сизлар қўшниларингизга қарашиб юборасиз, деб жуда кўз тутган эдик-да. Уларнинг келгуси йилги плани жуда оғир.

— Ҳа, бизда план йўқ эканми!.. Эшик очилиб, кабинетга Асқар кириб келди.

— Ассалом, — деб саломлашди у секретарь билан. Ия, «исёнчи» ҳам шу ерда-ку? Шикоят қилаяптими?

— Ҳа, шикоят қилаяпти, — жилмайди Баширли ва қулги аралаш ранжиганнома қўшиб қўйди:—биласанми, гапини маъқуллади. Маъқуллатди...

— Ҳу, раис! — кулди Асқар.— Бунақада ишимиз юришмайди. Бугун менинг устимдан секретарга шикоят қилсанг, эртага Марказком секретарига шикоят қиласанми? Бўлмайди!

— Қўйсангиз-чи, — ҳижолат тортди Азиз. — Нега энди мен шикоят қилайин?

— Шуни айтаман-да. — Асқар Азизнинг рўпарасига келиб ўтирди ва Баширлига юзини ўгирди.— Менга қара Ислом, сен билан бизга яна бир ташвиш ортди. Мен копиясини олдим, телеграмманинг аслини эса худди шу топда секретарингга келтириб беришди. Бир ўқиб кўргин...

У Баширлига телеграф бланкаси узатди. Райком секретари телеграммани шошиб кўздан кечирдида, сўнг бошини кўтарди:

— Вой! Бунинг нимаси ташвиш? Аксинча, энди ташвишимиз озаяди, ишимиз енгиллашади. Нима дейсан, Азиз? «Сталиннефть» бошқармасининг нефтчилари районимиз пахтакорларини социалистик мусобақага чақириашяпти.

— Ахир биз «келажак» колхози билан мусобақа ўйнагамизмиз-ку.

Азиз мийигида кулди.

— Шунинг учун у колхозга сув бергиларинг келмас экан-да? Ана сизга мусобақа-ю, мана мусобақа!

— Бундан сен чўчима, Азиз,— гапга аралашди Баширли. У хурсанд бўлиб жилмайди. — Мусобақа нақадар чуқур, кенг, ҳар тарафлама бўлса, биз олдимизда турган вазифаларни шу қадар тез ва муваффақиятлироқ ҳал этаоламиз. Мана кўргин, улар нима таклиф қилишяпти... — У бланкни ёзиб стол устига қўйди. — Йиллик планни 25 ноябргача бажарган бригада ва участкани, программани 5 декабргача тўла адо этиб бўлган конни илгор деб ҳисоблаш керак, дейишяпти. Трест бутунича йиллик планни 20 декабргача бажариш мажбуриятини олаяпти. Биз ҳам ўз шартларимизни ишлаб чиқишимиз керак. Айтайлик пахта терими бўйича шундай мажбуриятлар олсак: звено учун... — Баширли кўзини қисди ва синамоқчи бўлиб Азизга қаради. — Звено учун гектаридан 70 центнер. Кўплик қиладими? Ҳеч қиси йўқ, қанчалик оғир бўлса, ғалаба шу қадар шукуҳли бўлади... Қолоқларга тенглашиб ўтирамизми? Бригада учун — 50 центнер, колхоз учун эса — 30...

Азизнинг чеҳраси ёришиб кетди, у секретарга хурсанд бўлиб боқарди.

МАВЗУ ва МАҲОРАТ

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Ёзувчи Ҳабиб Нуъмоннинг замонавий мавзуда ёзилган «Ёшликда берган кўнгил» асарида олий мақсад, умум бахти учун курашаётган ижодкор совет кишисининг гўзаллиги, улуғворлиги, хилма-хил фаолияти каби муҳим ижтимоий масалалар ёритилган.

Повестдаги барча воқеалар социалистик қишлоқ хўжалигимизни ривожлантиришда тарихий бурилиш ясаган КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида кўтарилган муҳим масалалар доирасида, уларнинг бадиий ифоданиши фонида ёритила боради. Коммунистик партиянинг деҳқончилигимизни комплекс равишда ривожлантириш юзасидан жиддий ўзгаришлар ясаётганлигини қаламга олиш гоят шарафли ишдир. Асар шу мақсад, шу орзу билан ёзилганлиги учун ҳам қиммат лидир.

Асардаги мироб Раҳмонқул ота, Райимжон ака, Азимжоннинг отаси колхозчи Шокир ака, онаси Жамол хола ва Насибанинг онаси Манзура хола образларига унча кўп ўрин ва материал берилмаса-да, улар ўз портретлари, хатти-ҳаракатлари, характерлари, ички дунёлари ва кундалик ҳаётлари билан ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдаланадилар.

Автор бу образлар ўртасидаги самимий дўстлик ва ўзаро муносабатларни ёритиш орқали биринчидан, китобхонни ўз қаҳрамонларининг оилавий ҳаёти, уларнинг фикр-туйғулари, орзу-истаклари билан таништирса, иккинчидан, фронт орқасида она-Ватан учун, унинг мустақиллиги учун қаҳрамонона меҳнат қилаётган барча совет кишиларининг бузилмас дўстлигини ҳам самимият билан тасвирлаган.

Повестнинг иккинчи қисмида колхозларни комплекс равишда ривожлантириш ҳақидаги сентябрь Пленумида кўтарилган масалалар қишлоқ хўжалигимиз учун типик воқеа сифатида тасвирланган. Ҳақиқатан ҳам Ёзёвон чўлининг кичик бир қисмидаги ишлар, буларни амалга ошираётган кишилар социалистик қишлоқ хўжалигимиз учун характерли ва замонамиз учун типикдир.

Автор асардаги оддий деҳқон ўғли Азимжоннинг қандай қилиб партиянинг актив жангчиси, коммунистик ташкилотчи даражасига кўтарилганлигини реал, бадиий тил билан жонли тасвирлашга интилган.

Асарнинг бош қаҳрамони Азимжон армия сафидан қайтиб келгач, яна ўқишни давом эттиради, институтни тамомлагандан сўнг область қишлоқ хўжалиги бошқармасида ишлайди. Сўнгра партия чақириғи билан колхозга агроном бўлиб боради. Азимжон энди маълум тажрибага эга, унинг хатти-ҳаракатида ўқиш йилларидаги баъзи ёшларга хос бебош шўхлик йўқ. Энди у ҳар жиҳатдан мукаммал, яхши хислатли, вазмин ва камтарин.

Азимжон колхоз агрономи, раис муовини вазифасида ишлар экан, ҳамма ишга бош қўшади ва аралашади: колхоз ҳаёти, одамлари билан, қолаверса Алиобод каби илғор қўшни колхозлар тажрибаси билан танишади, фақат пахтачилик билан машғул бўлган колхозда хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш, колхознинг барча кучлари ва воситаларини қаратиш келтириш каби ишларга киришади. Бу йўлда турли қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келади, иккиланади ҳатто ишлашдан воз кечишгача боради. Қаҳрамоннинг босиб ўтган йўли, баъзи камчилик ва нуқсонларни ҳисобга олмаганда аниқ, равшан ва ишонарли қилиб тасвирланган.

Азимжон образини тасвирлашда унинг тўлалигига халал берадиган ҳамда воқеа ва деталларнинг очилишига маълум даражада таъсир этадиган нуқсонлар нималардан иборат?

Биринчидан, Азимжоннинг колхозга агроном бўлиб тайинланганлигига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмасдан, ўз фаолияти билан артель аъзолари орасида яхши танилмасдан, колхоз ҳаётидан хабардор бўлмасдан ёки бирон кичик иш қилмасданоқ раис муовини қилиб сайланиши ва колхознинг янги йил ишлаб чиқариш планининг лойиҳасини тузиб чиқишдек муҳим вазифанинг унга топшириб қўйилиши ҳаёт ҳақиқатига қанчалик тўғри келар экан?!

Иккинчидан, Азимжон янги «Равон» ариғини чиқариш ҳақидаги масалани область сув хўжалиги раҳбарлари, сўнгра район раҳбарлари билан гаплашиб тўғрилайди.

Аммо китобхон шунча ишларга ақли етган Азимжоннинг, колхоз раҳбарларини бутунлай четда қолдириб, «якка қаҳрамон» сифатида ҳамма ишларни ўзи битириб юришига шубҳа билан қарайди. Ҳатто раис Тиллабоев бу ишдан хабардор бўлиб, Азимжондан мулойимлик билан: «бир оғиз маслаҳатлашиш керак эди-да» деб сўраганда ҳам, Азимжон уни мазаҳ қилиб, ўзини кулгидан тўхтата олмай, ножўя ҳаракат қилади, раисни шуҳратпарастликда айблайди. Ҳолбуки, бу ўринда — айни шу моментнинг ўзида раисни шуҳратпарастликда айблаш ўринсиздир.

Азимжон, ўз ишига қанчалик ишонмасин, область, район раҳбарлари ҳам у қилаётган ишларни ва ташаббусларни қанчалик қўллаб-қувватламасин лекин шулар билан бирга, Азимжон колхоз раҳбарлари—умуман колхоз коллективи билан кенгашиб иш тутганда китобхон унинг тадбирли, тўғри йўлдан бораётган актив жамоатчи эканлигини равшанроқ кўрган бўлур эди.

Азимжон образини чизишдаги яна бир нуқсон — унинг колхоз агрономи қилиб тайинлаб қўйилишига қарамай, бу соҳадаги иш фаолиятини четлаб ўтишидир.

Насиба эса халқ ва давлат олдидаги масъулиятини яхши сезадиган, ўз бурчи, вазифасини тўла англаб етган совет хотин-қизларидан бири сифатида гавдаланади. Насиба соғлом, жўшқин, ғайратли ва жасур қиз. У отадан етим қолиб, меҳрибон онаси қўлида тарбия топди, турмушнинг аччиқ-чучугини барвақт тотди. У уруш йилларида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, тоғасининг болаларини боқди, коллективнинг хўжаликнинг муҳим бир тармоғини тебратди.

Шу нарса муҳимки, Насиба Азимжон каби коллективдан ажралган ҳолда тасвирланмайди. У доим коллектив билан бирга меҳнат қилади, коллектив билан бирга фикрлашади, бирга нафас олади.

Ёзувчи унинг ўзига хос қатор индивидуал хусусиятларини дуруст кўрсатиб беради. Насиба ўз фазилатлари, юз-кўзида, сўзининг оҳангидаги ўзгаришлар, ҳаракатлари, қилиқлари ва булар орқали ифодаланган ички туйғулари билан кўз ўнгимизда яққол гавдаланади. У ўз севгилиси Азимжондан узоқда яшаса ҳам, у билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туради. Асарда уларнинг ўзаро шахсий муносабатлари, самимий муҳаббатлари поэтик бўёқларда тасвирланган. Аммо қаҳрамонлар ўртасидаги суҳбатларда фақат шахсий масалалар юзасидангина гап боради. Истардикки, уларнинг суҳбатларида ижтимоий масалалар юзасидан ҳам фикр юритилганда, образларнинг ҳаётийлигига, тасвирнинг янада мукаммал бўлишига имкон туғилган бўлур эди.

Асарда Насиба, Азимжон ва Саидовлар ўртасидаги севги масаласининг ҳал этилиши ҳам кишини ҳайратга қўяди.

Ёзувчи тасвирича Насиба билан Азимжон институтда ўқиб юрганларидаёқ бир-бирларини қаттиқ севадилар. Аммо шу пайтда уруш бошланиб, Азимжон фронтга жўнайди, Насиба эса колхозда қолиб, ҳам ўзи, ҳам Азимжон учун меҳнат қилади. Орадан анча вақт ўтгач, Азимжон ҳақида «қора хат» келади. Шунга қарамай Насиба Азимжоннинг келишидан умидвор бўлиб юради, Азимжондан эса дарак бўлмайди. Натижада колхознинг собиқ раиси Абборов, қолаверса Азимжоннинг онаси Жамол хола ва ўз онаси Манзура холаларнинг қистови билан Насиба район ижроия комитетининг раиси Саидова турмушга чиқади. Улар саккиз йилча турмуш ҳам қуришади, орада Азимжон ҳам армиядан қайтиб келади. Эски ошиқ-маъшуқлар учрашадилар, ёшликда берган кўнгил яна ўт олади. Насиба ва Азимжонлар ҳақида гап-сўз тарқалади. Шу муносабат билан Азимжон иснотга қолади. Масала жиддийлашиб, ишга район раҳбарлари аралашади, натижада Азимжон жазодан ҳоли бўлади ва Насиба билан бирга яшай бошлайди.

Бироқ асарда Насибанинг Саидова турмушга чиқиши, Азимжонга виговор берилиши ва бу жазонинг бекор қилиниб Насиба билан турмуш қуриш каби мураккаб психологик моментлар оддий ва осонгина ҳал этилганки, бу тасвирнинг жозибали ва ишонарли бўлиб чиқишига салбий таъсир этган, образларнинг, улар орасидаги муносабатнинг ҳақиқий ва ҳаётий бўлишига халал берган.

Машҳур мироб Раҳмонқул ота образи алоҳида бўёқларда чизилган. У қўриқда янги ариқ чиқариб, янги ҳаёт яратишни, боғ-роғлар, экинзорлар бунёд этишни чин кўнгилдан орзу қилади. Ўзича катта режалар тузади.

Раҳмонқул ота ҳаётдаги янгиликларни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у Азимжоннинг колхозни комплекс ривожлантириш ҳақидаги режаларини ҳар қадамда маъқуллайди, бунга қарши чиққан Тиллабоев каби кишиларни аёвсиз фош этади.

Повестда эскилик билан янгилик кураши, юқоридаги айрим нуқсонларни ҳисобга олмаганда, ўзаро мустаҳкам алоқада тадрижий равишда ўсади. Эски турмуш қоидалари бўйича яшашга ўрганиб қолган, ўзининг партия олдидаги бурчини унутиб қўйган ёки чуқур англаб етмаган, халқ фикри билан ҳисоблашмайдиган Тиллабоев каби кишилар қаттиқ танқид қилинади.

Тиллабоев қиёфасида айрим колхозлардаги шуҳратпараст, мақтанчоқ ва ўзбошимча «раҳбар»лар тасвирлачади. Унинг нутқи характерига мос тушган. Бу жиҳатдан қараганда, унинг хулқ-атвори, психологик характеристикаси ижобий образлар тасвирига нисбатан ҳам жонли ва бўёқлидир.

Асарда колхоз партия ташкилотининг секретари, чорвачилик фермасининг мудири Салимов ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки образ даражасига кўтарилмаган, унинг на характери ва на портрети бор.

Повестда партия ташкилотининг секретари чой ташувчи, қоровулни чақирувчи бир югурдак бўлиб қолган. Ёзувчининг мақсади ҳам шундай. Лекин парткомнинг коллектив хўжаликда юз бераётган жиддий конфликтларни ҳал этишдаги роли, партия раҳбари сифатидаги иш услуби, маънавий дунёси, актив фаолияти ва ҳоказолар кўрсатилганда асар қиммати янада ошган бўларди.

Асарнинг сентябрь Пленумидан сўнг ёзилганлиги назарда тутилса, бу жиддий нуқсон айниқса равшан кўринади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, ёзувчи кўпинча ҳаётдаги воқеаларни, кишиларни айнан — қандай бўлса шундайлигича, типиклаштирмасдан тасвирлайверган. Агар асардаги воқеа ва ҳодисаларнинг типиклиги бадиийликнинг биринчи шарти бўлса, тасвирнинг ёрқинлиги ва типиклиги ҳам шунча катта роль ўйнайди. Танланган мавзу қанчалик типик бўлмасин, бусиз (яъни мавзу тўлалигича, ёрқин бўёқларда яққол тасвирлаб берилмас экан) типиклик очилмай қолиши мумкин.

Асар ижобий қаҳрамонларининг планлари катта, уларнинг харакатлари ҳам жўшқин. Аммо ўқувчи бу қаҳрамонларнинг қоғоздаги планлари ёки ишга бошлаганликлари ҳақида ахборот эшитиш билан бирга унинг амалда қандай бажарилаётганлиги ва бошланган ҳаракатнинг манбаи, конкрет белгилари, унинг ривожи ва истиқболларининг ҳам атрофлича бадиий ифода қилиб берилишини истайди.

Повестдаги энг катта камчилик асар мундарижаси ёки мўлжалланган планга нисбатан материалнинг камлигидир. Асардаги воқеалар миқёсининг торайиб қолишига ҳам, қатор масалаларда бадиий воситаларнинг камбағаллигига ҳам, айрим қаҳрамонлар образининг ҳиралашиб, йўқолиб кетишига ҳам сабаб шундадир. Ваҳоланки, асар саҳифаларида унинг ғоявий-бадиий қимматини оширишга, мундарижасини тўлдиришга хизмат қиладиган қанчадан-қанча имкониятлар ва тасвирлашга муносиб бўлган деталлар борки, ёзувчи бу деталларга фақат тегиб ўтиш ёки улар ҳақида ахборот бериш билангина чекланган.

Асар тили умуман яхши, ширали эканлигини алоҳида эслатиб ўтмоқ зарур. Аммо: «сизлар кетиб бағрим юлинди» (34), «Ўпкамнинг бир парчаси узилиб кетгандек» (37 бет), «юрагимнинг бир парчаси узилиб кетгандек» (46 бет) «қалбимнинг бир парчаси узилиб кетгандек» (156 бет), «шартта қалбимни узиб олиб» (156 бет), «Насиба юраги узилгандек» (171 бет) каби айрим қайтариқ жумлалар учрайдики, бундай ҳолнинг айниқса бадиий асарда бўлиши кўнгилсиздир.

Асарнинг композицияси ҳақида шуни айтмоқ керак. Ёзувчи 200 бетли повестнинг 14- (II боб) бетидан то 66- (III боб) бетигача катта бир чекиниш қилганки, натижада асар қоқ иккига бўлиниб, икки асар шаклига келиб қолган.

Бизнингча, III боб билан узвий боғланган I бобни қўйиш, асар қаҳрамонларининг дастлабки ҳаётини ўз ичига олган II бобни эса асарнинг биринчи қисми сифатида қайта ёзилса, композиция ягона чизиқдан давом этиб, қаҳрамонлар образининг тадрижий ривожи ҳам яққол кўзга ташланарди.

«Ёшликда берган кўнгил» асари Ҳабиб Нуъмоннинг дастлабки повести «Фасллар»га нисбатан ғоявий-бадиий жиҳатдан бирмунча ютуқларга эга. Асарнинг муҳим мавзуда ёзилганлиги ва жуда зарур эканлигини назарда тутиб, пишиқ-пухта қайта ишлаб нашр қилинса фойдадан ҳоли бўлмас.

Асил РАШИДОВ.

ҲИНДИСТОН БЎЙЛАБ

ДЕҲЛИ, 27 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Олий Совети депутати Е. А. Фурцева ва уларнинг ҳамроҳлари Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиш учун «ИЛ-18» самолётида бугун эрталаб Деҳлидан жўнаб кетдилар.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни кузатиб қўйиш учун аэродромга Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру келди.

Совет меҳмонлари Бомбай, Бангалор, Мадорас, Калькуттада ва Ҳиндистоннинг бошқа бир қанча шаҳарларида бўладилар.

Непал короли Махендра ва Непал ҳукуматининг таклифига мувофиқ К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов ва Е. А. Фурцева ўзларига ҳамроҳ бўлган расмий кишилар билан биргаликда 3 февралда Калькуттадан Непалга самолётда борадилар ва у ерда икки кун бўладилар. Ҳурматли совет меҳмонлари 5 февралда Деҳлига қайтиб келадилар.

«КПСС ТАРИХИ» КИТОБИ ХИТОЙ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА

ПЕКИН, 26 январь. (ТАСС). Хитойдаги «Жэньминь чубаншэ» нашриёти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихини хитой тилида босиб чиқарди. Китоб қўй нусҳада нашр қилиниб, Пекиндаги ва Хитой Халқ Республикасининг бошқа шаҳарларидаги китоб магазинларида сотила бошлади.

Свердлов номидаги концерт залида Озарбайжон эстрада оркестрининг гастроли бошланди. Оркестрнинг бадиий раҳбари композитор Рауф Гажиев. СУРАТЛАРДА: 1. Программани олиб борувчи артистлар Г. Нажаров ва М. Шаров. 2. Раҳс группаси озарбайжон халқ рақсини ижро этмоқда.

А. Палехов фотоси.

БАЛАНД АССУАН ТЎҒОНИ УЧУН

Тошкент электротехника заводи Миср даги баланд Ассуан тўғони қурилишига бир қанча приборлар жўнатади. Бу приборларни завод етти йилликнинг иккинчи йилидаги экспорт планига мувофиқ ишлаб чиқара бошлади.

Корхонанинг цехларида шу янги қурилиш учун паст кувватли токларда ишлайдиган ҳар хил агрегатлар ва установкаларга электр энергияси бериб турадиган переключателлар ва виключателлар тайёрланмоқда.

Тошкентдаги «Подъёмник» заводининг машинасозлари фахрий заказ қабул қилдилар. Улар ҳам баланд Ассуан тўғони қурилиши учун ўн тонналик электр кўтаргич кран тайёрлай бошладилар.

Корхоналарнинг меҳнаткашлари катта тўғон қурувчиларига энг юқори сифатли маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

МУРОЖААТ МАЪҚУЛЛАНДИ

ХАНОЙ, 26 январь (ТАСС). Вьетнам информацион агентлигининг хабар беришича, бугун миллат мажлисининг доимий комитети ахборот эълон қилган. Доимий комитет бу ахборотда ўз қуролли кучларини яна 1,2 миллион кишига қисқартиришга қарор берган Совет Иттифоқининг тинчликка қаратилган ташаббусини табриклайди.

Ахборотда бундай дейилади: комитетнинг 23 январдаги мажлисида Совет Иттифоқи Олий Советининг 15 январда дунёдаги барча давлатларнинг парламентларига ва ҳукуматларига қарата чиқарилган ва совет қуролли кучларининг янгидан қисқартирилиши тўғрисидаги қарорига жавоб беришга даъват қилган мурожаати тингланган. Шундан сўнг доимий комитет баёнот қабул қилиб, бунда СССР Олий Советининг мурожаатини қизғин табриклайди.

БМТ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 26 январь. (ТАСС). Кеча бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти васийлик кенгашининг навбатдаги 25-сессияси очилди.

Кенгаш васийликдаги Руанда Урунди ва Британия Камеруни территорияларидаги аҳвол тўғрисида бошқарувчи маъмурларнинг докладларини муҳокама қилиши ҳамда Шарқий Африкадаги Танганьика, Руанда Урунди ва Сомалининг васийликдаги территорияларидаги аҳволни текшириш учун сайёр миссия юборилишини уюштириши керак.

Васийлик кенгаши муҳокамасига шунингдек Африка аҳолисининг айрим группаларидан 400 дан ортиқ арзнома тақдим этилган. Бу арзномаларда бошқарувчи маъмурларнинг Африка қитъасининг васийликдаги территорияларида яшовчи маҳаллий аҳолига нисбатан қилаётган жабр-зулмига шикоятлар бор.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30 — **Ёшлар учун интернационал концерт.** 20.00 — Ҳамза номли театрдан — **«Ваня тоға»** спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида **сўнгги ахборот.**

ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ҳиндистон Республикаси эълон қилинган куннинг ўн йиллигини кенг нишонламоқдалар. Корхоналарда, муассасаларда, ўқув юртларида ва колхозларда ана шу тарихий кунга бағишланган лекциялар ўқилмоқда, фотовиставкалар ташкил қилинган. Кинотеатрларнинг экранларида ҳинд фильмлари кўрсатилмоқда.

26 январда республика пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари М. Горький номидаги театрда тўпландилар. Ҳиндистон Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган бу театрда Ҳиндистон Республикаси эълон қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Кечада ёзувчи Абдулла Қаҳҳор доклад қилди. У ўз докладида СССР билан Ҳиндистоннинг мустаҳкамланиб бораётган алоқалари тўғрисида, қардош давлат халқларининг янги ҳаёт қуришда эришган муваффақиятлари тўғрисида батафсил сўзлади.

Шоир Мирмуҳсин кеча қатнашчиларига Ҳиндистонда бўлган вақтда олган ўз таассуротлари тўғрисида гапириб берди. Ўрта Осиё Давлат Университетининг ўқитувчиси М. Хардат ҳам сўзлади.

Кеча қатнашчилари Бомбайга Ҳинд-Совет маданий жамият номига табрик телеграммаси юбордилар.

Кеча қатнашчилари учун Горький номидаги театр артистлари Ҳиндистон драматурги П. Доссининг «Бузилган бола» спектаклини кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Журналистлари союзида

Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда газета редакторлари, нашриётларнинг директорлари, ҳар хил матбуот органларининг ходимлари қатнашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси, СССР Журналистлар союзи правлениесининг секретари И. Раҳимовнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори ва СССР Олий Совети сессияси материаллари муносабати билан Союз фаолиятининг навбатдаги масалаларини қараб чиққан СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариатининг мажлиси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Президиум муҳокама қилинган масала юзасидан тадбирлар белгилади.

Шу йилнинг дастлабки олти ойи учун президиумнинг иш плани тасдиқланди.

Президиум журналистларнинг маҳоратини ошириш мақсадида ижодий лекторий очишга қарор қилди. Бу лекторийда машғулотлар ҳар ойда икки марта ўтказилади.

Правление нашриёт комиссиясининг ахбороти ҳам эшитилди. (ЎзТАГ).

Правда Востока

Бу сонда қўклам дала ишларига намунали тайёргарлик кўриш тўғрисида подборка, «Идеология ишларини ҳаёт билан, омманинг ижодий меҳнати билан маҳкамроқ боғлаш» темасида бир саҳифа материал, «Правда Востока» ва «Труд» газеталари ишчи мухбирларнинг «Қарор бору, коржома қани?» сарлавҳали рейд мақоласи, Озарбайжон адабиёти вакилларининг Ўзбекистонда бўлиши ҳақидаги материал ва бошқа хабарлар босилган.

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ТУЗАТИШИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Статистика бошқармасининг «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1959 йилда бажрилиш якунлари тўғрисида» «Қизил Ўзбекистон» газетасининг шу йил 27 январь сонида босилган ахборотининг «Қишлоқ хўжалиги» қисмида хатога йўл қўйилган. Шу қисмнинг сўнгги абзацдан олдинги абзацдаги рақамлар «1959 йилда давлатга 1958 йилдагидан 15 минг тонна кўп гўшт, 34 минг тонна кўп сут, 320 минг дона кўп қорақўл тери, 389 тонна кўп пилла сотилди» деб тузатиб ўқилсин.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ЖАЗОИРДА МУСТАМЛАКАЧИЛАР ИСЁНИ

ПАРИЖ, 25 январь. (ТАСС). Жазоир масаласидаги сиёсат муносабати билан француз ҳукуматига қарши Жазоирдаги ўта мустамлакачи доираларнинг хуружлари давом этмоқда. Жазоирдан келадиган ҳамма хабарларга цензура жорий қилингандан кейин Парижда Жазоир шаҳрида бўлаётган воқеалар ҳақида фақат айрим маълумотлар олинмоқда. Жазоир шаҳрида кеча куннинг иккинчи ярмида ўнг унсурлар томонидан ийво қилинаётган оломон билан қўшинлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Франс пресс агентлигининг хабар беришича, тўқнашув натижасида ҳар иккала томондан 19 киши ўлдирилган ва 141 киши ярадор қилинган. Ҳукуматга қарши ҳужумларда қатнашувчилар кечқурун шаҳарнинг бир қанча марказий районларини қўлга олишга ҳамда ҳукумат бинолари жойлашган майдонга — форумга бораётган йўлни тўсиб турган қўшинларни айрим жойларда орқага суришга муваффақ бўлганлар.

Бутун тун бўйи исёнчи унсурлар кўчаларда баррикадалар қуриш ва оқоплар қазишда давом этганлар. Жазоир ишлари бўйича бош секретарь Роже Морис Жазоирда қамал ҳолати жорий қилинганлиги муносабати билан тартибинтизом сақлаш учун масъулият граждан маъмурларидан ҳарбий қўмондонликка ўтганлигини эълон қилган. Морис Жазоир шаҳрига шошилинч суратда ҳарбий мадад кучлари юборилаётганлигини билдирди.

25 январга ўтар кечаси радио орқали республика президенти де Голлнинг мурожаати эшиттирилди. Бу мурожаатда у «Жазоирда бошланган исён — Франция учун каттиқ зарбадир» деб таъкидлаб. Президент де Голль «Бухтон ва тухмат билан йўлдан урилган ҳамда Жазоирда ватанга қарши исён кўтарган кишиларни тартибинтизомга келишга» чақирди.

Бош министр Мишель Дебре Бретандан (кеча кундузи у шу ерга жўнаб кетган эди) шошилинч суратда Парижга қайтиб келди; бутун тун бўйи республика президенти де Голль ва юқори мансабдаги ҳарбий маъмурларнинг иштироки билан ҳукумат кенгашлари бўлиб турди. Бугун эрталаб полиция префектининг буйруғига биноан Парижда ҳар қандай йиғилиш, митинг ва намойишлар тақиқ қилинган. Кейинчалик бу буйруқ Франциянинг бутун территориясида жорий қилинди.

Шу билан бир вақтда Парижда президент де Голлнинг Жазоирга 5 февралга мўлжалланган сафари «белгиланган муддатда бошланади», деб расмий равишда эълон қилинди.

Франс пресс агентлиги эрталаб Парижда чиқадиган ҳамма газеталарнинг редакцияларига ўзининг эндиликда Жазоир билан на телеграф орқали ва на телефон орқали ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тўғрисида хабар қилди.

ЛОНДОН. 25 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Жазоир шаҳридаги мухбири Финлей Кэмбелнинг хабар беришича, исёнчилар бутун тун бўйи шаҳарнинг турли районларида қурилган баррикадаларни мустаҳкамлаганлар. Улар Жазоир марказининг бир қисмини назорат остига олганлар. Ҳукуматга қарши чиқувчилар орасида шу кунларда ҳарбий йиғинларни ўтишга чақиришлар ва диверсиялар қилган территориал қўшинларнинг автоматлар билан қуролланган резервистлари бор. Эрталабдан бошлаб шаҳар кўчаларида аскарлар соқчилик қилмоқда.

ПАРИЖ, 26 январь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги берган хабарлардан маълум бўлишича, умуман Жазоирда кеча кечқурун ва бугунга ўтар кечаси аҳвол ўзгармаган. Исёнчилар форумга — ҳукумат бинолари жойлашган майдонга ёриб киришга уринганликларида муваффақиятсизликка учраб, Жазоир шаҳрининг икки районидаги баррикадалар орқасига ўтдилар. «Пари-пресс-энтрансижан» газетасининг маълумотларига қараганда, исёнчилар сони бир неча минг кишини ташкил этади.

Кеча кечқурундан буён исёнчиларнинг позициялари ҳукумат қўшинлари томонидан ўраб олинган. Қўшинлар билан исёнчилар ўртасида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар натижасида 24 киши ўлдирилиб, 140 га яқин киши ярадор қилингандан кейин Жазоир шаҳрида отишмалар бўлмади.

Бугунга ўтар кечаси Франция ҳукуматининг бош министри Мишель Дебре ва ҳарбий министр Пьер Гийома Жазоирга қисқа муддатли сафар қилдилар. Улар бу ерда ҳарбий ва граждан маъмурлар билан, шунингдек француз парламентининг Жазоирдан бўлган депутатлари билан (маълумки, ўта кетган ўнг мустамлакачилик доиралари билан боғланган бир қанча депутатлар исённи қўллаб-қувватлади) кенгаш ўтказдилар. Франс пресс агентлигининг хабар беришича, Жазоир депутатларидан бир группаси бугун Парижга жўнаб кетади.

Франс пресс агентлигининг хабарларига қараганда, ўтакетган мустамлакачилик унсурларининг ғалаёнлари Жазоирнинг баъзи бир бошқа шаҳарларида ҳам содир бўлмоқда. Оранда ҳукуматга қарши кампания бошловчилар шаҳарнинг «европалик аҳолисини» француз Жазоирини ҳимоя қилиш юзасидан оммавий намойиш уюштиришга қутиртиришга уринмоқдалар. Фашист безорилар исёнчилар томонидан «ҳукуматнинг Жазоирдаги сиёсатига қарши норозилик белгиси сифатида» эълон қилинган умумий забастовкага қўшилмаган магазин ва кафеларни куч ишлатиб ёпмоқдалар.

Боннда, Блидда, Сиди-бель-Аббосида мустамлакачи унсурларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Бугун эрталаб Боннда (Жазоир шаҳридан шарқдаги йирик порт) қўшинлар ва жандарм кучлари тартибсизликларнинг олдини олиш учун шаҳар кўчаларидаги энг муҳим позицияларни эгаллардилар. Шаҳар маъмурлари аҳолини осойишталик сақлашга чақирдилар. Константина шаҳрига мадад кучлар юборилган. У ерда вазият ҳали ҳам кескин бўлиб қолмоқда.

МОСКВА ЧЕХОВ КУНЛАРИ ОЛДИДА

Москва ва унинг атрофида Чехов номи билан чамбарчас боғланган жойлар кўп. Гениал ёзувчи шу ерда яшаган, ишлаган, ўз истеъдодининг камолот чўққисига эришган эди.

Мана, 1886—1890 йилларда Антон Павлович яшаган Садово-Кудринская кўчасидаги 6-уй. Чехов бу уйни қандай қолдирган бўлса, ундаги ҳамма нарсалар ўша ҳолича сақланмоқда. Яқинда ёзувчи Константин Федин раислигида шу уйда Чехов туғилган куннинг 100 йиллигини ўтказувчи Бутуниттифоқ комитетининг мажлиси бўлди.

— А. П. Чехов асарлари, — деди К. Федин, — бизнинг мамлакатимизда неча миллионлаб нусхада тарқалмоқда. Унинг асарлари 73 тилда, ҳаммаси бўлиб 54 миллиондан ортиқ нусхада 1185 марта нашр қилинган. Биргина Давлат бадиий адабиёт нашриёти сўнгги ўн йил мобайнида ёзувчининг 75 тўплами ва айрим асарларини тахминан 20 миллион нусхада нашр қилди.

Юбилей кунларига бағишлаб А. П. Чеховнинг китоблари янгидан босиб чиқарилади, Москвадаги нашриётларнинг қарийб ҳаммаси ёзувчи ҳақида асарлар нашр қилади. Бадиий адабиёт нашриёти 1960 йилда Чехов китобларини 2 миллион 25 минг нусхада нашр этади.

СССР Маданият министрлиги Москвада А. П. Чеховга ўрнатиладиган ҳайкалнинг энг яхши лойиҳаси учун конкурс эълон қилди. Ёзувчининг сурати туширилган эсдалик бронза медаль чиқарилади.

Г. БАХШИЕВА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/I да **Ваня тоға**, 29/I да **Оқпадар.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—28/I да **Травиата.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—28/I да **Фарғона ҳикояси**, 29/I да **Ватан ишқи.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА —29, 30, 31/I да **Узбекистон эстрада санъати усталарининг концертлари.**

КИНО

Дардисар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 8 яримда).

Уттиз тўққизинчи бригада — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (1-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Келин-куёв қиссаси — «ВАТАН» (кеч соат 8-20 минутда), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан ҳамма залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1-20 минут, 3, кеч 6-40 минут ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минут, кундуз 3-15 минут, кеч 6-45 минут ва 10 да), «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун);

Бирга бўлганингдагина —НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минут ва кеч 6-50 минутда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун).

Илья Муромец — (кенг экранли) — «ВАТАН» (кеч соат 5 да).

Есуман—«ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

1) **Есуман**, 2) **Ниқоб**—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, 11-40 минут, кеч 5 ва 8-20 минутда).

Америка совет балетини олқишлайди (кундуз соат 12, I ва 2 да), **Сунунат оламида** (кундуз 3 ва 4 яримда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

янги программа

Пахта байрамига бағишланган парад-пролог.

АЙИҚНИНГ РАКЕТАДА УЧИШИ

ва РСФСР халқ артисти В. И. Филатов қўл остида

«Айиқлар цирки»

гастролининг давоми.

Томоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 февралгача

Озарбайжон давлат эстрада оркестрининг

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбари — композитор **Рауф Гажиев.**

Қатнашувчи солистлар: **Гаврил Нажаров** ва **Михаил Шаров** (юмор, сатира конферанс), **Алексей Виницкий** (совет ва чет эл қўшиқлари), **Евгения Дэвис** (лирик ва жанр қўшиқлари), **Михаил Виницкий** (жанр ва тироль қўшиқлари), **Октай Огаев** (эстрада қўшиқлари), **Ноила Назирова, Камол Дадашев, Рафи Асадуллаев, Али Зайналов** (халқ ва классик рақслари) ва бошқалар.

Кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар ҳар куни Концерт залги кассасида кундуз соат 12 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тош